

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ
РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019.
ТАР.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АМИНОВ БОБИР БОМУРАДОВИЧ

**МАРКАЗИЙ МОВАРОУННАҲР ҚАБРТОШ БИТИКЛАРИ ВА
УЛАРДАГИ ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ГЕНЕАЛОГИЯСИ (XV-XX
АСРЛАР)**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот
усуллари**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2021

УДК: 930.2:929.55(575.141/.152)(043.3)

Докторлик дисертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Аминов Бобир Бомурадович

Марказий Мовароуннахр қабртош битиклари ва улардаги тарихий шахслар генеалогияси XV-XX асрлар) ----- 3

Аминов Бобир Бомурадович

Надгробные надписи Центрального Мавераннахра и генеалогия исторических лиц в них (XV-XX вв.) -----36

Aminov Bobir Bomuradovich

Gravestone inscriptions of Central Maverannahr and the genealogy of historical figures in them (XV-XX centuries) -----68

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works -----74

**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019.
ТАР.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АМИНОВ БОБИР БОМУРАДОВИЧ

**МАРКАЗИЙ МОВАРОУННАҲР ҚАБРТОШ БИТИКЛАРИ ВА
УЛАРДАГИ ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ГЕНЕАЛОГИЯСИ (XV-XX
АСРЛАР)**

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Tar136 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.beruni.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Каримова Сурайё Убайдуллаевна**
тарих фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Бўриев Омонullo**
тарих фанлари доктори, катта илмий ходим

Муҳамедов Неъматулло
тарих фанлари доктори, доцент

Аллаева Нигора
тарих фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Қарши Давлат университети**

Диссертация ҳимояси ЎЗР ФА Абу Райҳон номидаги Шарқшунослик институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 02/30.12.2019.Tar.44.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “__” _____куни соат __даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 79-уй, Тел.: (+99871) 262-54-61, факс: (+99871) 262-52-77, e-mail: beruni@uznet.net).

Диссертация билан Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 79-уй, Тел.:(+99871) 262-54-61

Диссертация автореферати 2021 йил “__” _____куни тарқатилди

(2021 йил “__” _____даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Б.А.Абдуҳалимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф. Джуманиёзова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н. катта илмий ходим

Э.З. Нуриддинов
Илмий даражалар берувчи илмий илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т. ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсидаги янги тартиблар, глобаллашув ва интеграцион жараёнлар шароитида инсон фаолияти билан боғлиқ воқеа ва ҳодисаларнинг сабаблари ва моҳиятини англаш, жамиятлар ва тамаддунлар ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида тарих фани ва унинг ёрдамчи соҳаларига мурожаат қилиш долзарб аҳамият касб этмокда.

Шу муносабат билан ҳукмдорлар, давлат хизматчилари, ҳарбий амалдорлар, диний раҳнамолар ва уламо аҳли ҳақида маълумот берувчи ва оз ўрганилган манбалар қаторига кирувчи қабртош битиклари асосида тарихий шахсларни ўрганиш тобора долзарб бўлиб қолмокда. Шунини таъкидлаш керакки, тарихий шахсларнинг ижтимоий идентификациясини аниқлаш, уларнинг жамият ва маданий ҳаётга қўшган ҳиссаси, шунингдек, тарихий жараёнларда шахслар оилавий ва қон-қариндошлик муносабатларининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш генеалогия фанининг ҳозирги замонда дунё миқёсида муҳим аҳамиятга эга эканлигини белгилаб бермокда.

Бундан ташқари, битиклардаги тарихий матнлар манбашунослик, тарихшунослик, археологик, этнографик, антропонимик тадқиқотларни бойитишга хизмат қилса, насл-насабга оид далиллар генеалогик омилнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихни ўрганишда муҳимлигини кўрсатиб турибди. Шулар қатори, оила, уруғ ва кланларни таҳлилий ўрганишнинг мазмун-моҳияти генеалогик метод қўлланилишидан иборат бўлиб, бунда тадқиқот доирасига тортилган тарихий шахсларнинг қон-қариндошлик алоқалари тўлдирилади ва насабномаси реконструкция қилинади.

Генеалогия тадқиқоти билан шуғулланувчи тарихнинг ёрдамчи тармоқлари орасида, аниқ маълумотлар эпиграфик материалларда ўз аксини топган. Эпиграфик манбалар устида ишлаш генеалогия бўйича зарур маълумотларни англашга, ўзлаштиришга, шунингдек, уларни тизимли равишда тўплашга фаол равишда ёрдам беради. Яна шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, конкрет-тарихий характердаги мухтасар матнлар, ўз олдига қўйган вазифаларни амалга оширишда тадқиқот соҳаси, аниқлаштириш усули, илмий тадқиқот методологияси ва техник воситаларига эга тарих фанининг ёрдамчи тармоқлари учун етарли даражада янги ва қимматли материалларни тақдим қилади.

Эпиграфик ёдгорликларнинг муҳим аҳамиятга эгаллигига қарамадан насабнома, оилавий алоқалар, генеалогик омилнинг муҳимлиги ҳақида тўлиқ тасаввурни кенгайтиришга имкон берувчи тарихий шахслар генеалогияси хусусида бирор бир илмий иш амалга оширилмаганлигини ҳам қайд қилиш керак. Тарихий шахслар насл-насабини ўрганиш бизнинг генеалогия соҳасидаги билимларимизни кенгайтиришга, алоҳида уруғ, оилаларнинг келиб чиқишини тушунтиришга, насаб занжирларини тўлдириш, хонадонлар тарихига қизиқишни ривожлантириш ва ҳоказоларга ёрдам беради.

Бу соҳадаги тадқиқотлар кейинги йилларда Ўзбекистонда ўзбек халқининг бой моддий ва маънавий қадриятларини ўрганишга бўлган

кизиқишнинг ўсиб бориши билан изоҳланади. Пировард мақсад, мамлакатимизнинг ислом тамаддунига тегишли осори-атиқалари, ёдгорликлари ва манбаларини дунё ҳамжамияти, илмий жамоатчилиги ва афкор оммаси эътиборига ҳавола қилиш, туризмни ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг тарихий салоҳиятини тарғиб қилишдир.

Сўнги йилларда давлатимиз томонидан эпиграфик ёдгорликлар, жумладан, Ўзбекистон меъморий обидаларидаги битиклар, ёзувларни нашр этиш ишларига катта эътибор қаратилиши диққатга сазовордир. Ўзбекистон худудидаги эпиграфик ёдгорликларнинг бошқа бир тури – қабртош битиклар ҳам муҳим тарихий манба бўлиб, уларни ўрганиш орқали айрим тарихий шахсларнинг исми, эгаллаган лавозими ва мартабаси, яшаган даври, вафот санаси ва муҳими, таржимаи ҳолига оид, шунингдек мазор, қабристонлар ҳақида янги далиллар аниқланади, қабртош битиклар матнларидаги тарихий шахслар генеалогиясини тадқиқ қилиш, тарихда из қолдирган кишиларнинг шажараларини тиклаш генеалогик илмий изланишлар учун йўл очади ва Ўзбекистон тарихини бойитишга хизмат қилади.

Мавзу долзарблиги кўп қиррали Ўзбекистон тарихининг алоҳида жиҳатларини тушунтиришни талаб этувчи муаммолар билан боғлиқ бўлиб, улар, биринчидан, тарихнинг оз ўрганилган манбалари, яъни XV-XX аср қабртош битикларини ҳар томонлама ўрганиш бўлса, иккинчидан, уларда мавжуд генеалогик маълумотлар устида тадқиқот ишлари ўтказиб, илмий муомалага киритиш билан белгиланиб, бу, ўз навбатида тарихий манбалардан Ўзбекистон тарихи, манбашунослик, исломшунослик, тарихнинг ёрдамчи тармоқлари, музейшунослик, эпиграфик, генеалогик тадқиқотлар, маънавий-маърифий тарбия ва туризм соҳасида фойдаланишга ёрдам беради.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4797-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” фармони¹ ҳамда 2017 йил 24 майдаги ПҚ–2995–сон “Қадимги ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори², шунингдек, ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги №ПФ-4947- сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. URL: <https://lex.uz/docs/3107036>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги №ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқи ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. URL: <https://lex.uz/docs/3211987>.

инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Марказий Мовароуннаҳрнинг XV-XX асрларга оид қабртош битиклари ҳамда улардаги генеалогик маълумотлар XIX асрдан эътиборан тарих илмий доирасига киритила бошланган ва тарих, манбашунослик, эпиграфика ҳамда генеалогия соҳаси мутахассислари бу йўналишларда изланиш ва тадқиқотлар олиб борганлар.

Марказий Осиё тарихининг турли муаммолари қатори асосан қабртош эпиграфикаси ҳамда генеалогик материаллардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади ва бу йўналишларда дунёнинг қуйидаги етакчи илмий-тадқиқот марказлари, академик муассасалари ва институтларида тадқиқотлар олиб борилган: Британия музейида, Оксфорд университети Ислом тадқиқотлари марказида (Буюк Британия), Шарқ тиллари Қироллик Академиясида (Вена, Австрия), Чикаго университети коллежида (АҚШ), Индиана университети Марказий Евросиё тадқиқотлари марказида (АҚШ), Лейден университети Осиё тадқиқотлари Халқаро Институтида (Голландия), Ҳалле-Витенберг университетида (Германия), Франция Марказий Осиё тадқиқотлари Институтида (Франция), Берн университетида (Швейцария), Тожикистон Миллий университети тарих факультетида (Тожикистон), Лондон университети Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактабида (Буюк Британия), Франция Париж-Сорбонна университетида (Paris IV), Р. Б. Сулаймонов номли Шарқшунослик институтида (Қозоғистон), РФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург филиалида (Россия), Татаристон Фанлар академияси тил ва адабиёт институтида (Россия), Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти ҳузуридаги Ислом тарихи, санъати ва маданияти тадқиқот марказида (ИРСИКА), Тожикистон Фанлар Академияси ёзма мерос марказида (Душанбе).

Мовароуннаҳр XV-XX асрлар қабртош эпиграфикаси ва тарихий шахслари генеалогияси бўйича қуйидаги натижалар олинган:

Ҳамкорликдаги тадқиқот натижасида Шайбонийлар даври эпиграфик ёдгорликлари – қабртош битиклар ўрганилди, таржима қилинди, изоҳлар тузилиб, мазкур сулола вакилларига тааллуқли тошлардаги битиклар каталог ҳолида нашр этилди (Martin-Luther-Universität Halle-Wittenberg (Германия), IFEAS (Франция)³; диний тоифалар насабномасини ўрганиш жиҳатидан катта қизиқиш уйғотувчи Чор Бақр мажмуасидаги Жўйборий хожалари хонадонига тегишли эпиграфик тош битиклар илк маротаба илмий доирага киритилди ва нашр этилди (School of Oriental and African Studies, SOAS (Великобритания)⁴; Темурийлар даври меъморий ёдгорликларини идентификация қилиш ва шу билан бирга, бу даврнинг обидаларидаги эпиграфик элементларни ва битикларни кузатиш ва ўрганиш ишлари амалга

³ Babadjanov B., Muminov A., Paul J. Schaibanidische Grabinschriften. – Wiesbaden, 1997.

⁴ Babajanov B., Szuppe M. Les inscriptions persanes de Chār Bakr, nécropole familiale des khwāja Jūybārī près de Boukhara. Corpus inscriptionum iranicae. Part IV Persian Inscriptions down to the early Safavid Period. vol. XXXI: Uzbekistan.– London, 2002.

оширилаяпти (International Institute for Asian Studies, Leiden University (Нидерландия)⁵; махсус лойиҳа доирасида Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилояти қабртош битиклари материаллари аниқланди, тадқиқ қилинди ва шарҳланди (Max van Berchem, Geneve (Швейцария)⁶; қўлёзма манбалар ва бошқа тадқиқот натижалари асосида манғитлар династияси тарихига оид янги тадқиқот амалга оширилиши билан бир қаторда, мазкур сулола вакиллари насабномаси хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди (Universität Bern, Швейцария)⁷; Ўрта Осиё сулолалари генеалогияси алоҳида ўрин олган мусулмон династиялари генеалогиясининг генеалогик ва хронологик жадваллари тузилган (The British Museum (Буюк Британия)⁸; мусулмон сулолалари ва ҳукмдорлари ҳамда шу билан бирга, минтақалардаги алоҳида ҳукмдор сулолаларга нисбатан қизиқиш бошқа тадқиқотларда ҳам кўзга ташланади (The Oxford Centre for Islamic Studies (Буюк Британия)⁹; Али ва Фотима авлодлари насл-насаби тадқиқот доирасига тортилган. Маълумки, уларнинг бир тармоғи Мовароуннаҳр саййидлари билан қариндошлик ришталари билан боғланган. Генеалогик жадвалда Мовароуннаҳр саййидлари насабномаси тақдим қилинган (Akademie für Orientalische Sprachen in Wien, Австрия)¹⁰; Амир Темур ва Темурийлар даври манбаларини чуқур ўрганиш ва уларни ҳар томонлама таҳлил қилиш негизида Амир Темур, Темурийларнинг оилавий тарихи тикланган, мазкур оила вакиллари ҳақида муҳим маълумотлар берилган, насабномалари реконструкция қилинган (College at the University of Chicago, Indiana University Research Institute for Inner Asian Studies (США)¹¹; қадимий ҳукмдор сулолалар насабномалари ўрганилган, саййид, хожа, эшон, тўра ва бошқа тоифалар тарихи ёритилган, айрим уруғлар, хонадон ва шахсларнинг келиб чиқишига нисбатан маълумотлар берилиб, қон-қариндошлик алоқалари аниқланган (Тожикистон миллий университети)¹²; “Маданий мерос” дастури доирасида мусулмон дунёсининг генеалогияси нашр этилиб, бу асар орқали Мовароуннаҳрда генеалогия тузиш анъанасини кузатиш мумкин (Р.Сулаймонов номли шарқшунослик институти, Қозоғистон)¹³; Мовароуннаҳрнинг машҳур мусулмон уламолари, тасаввуф пирлари, диний тоифалар раҳнамолари ҳақида “Ислам на территории бывшей Российской империи» қомусий тўпламида туркум мақолалар эълон қилинган бўлиб, улар

⁵ www.lucis.leidenuniv.nl

⁶ Aminov B. L'epigraphie funeraire de la ville de Samarcande et de sa peripherie (XV^e – XVIII^e siecles). Fondation Max van Berchem. Bulletin. Numéro 21. – Geneve, Decembre, 2007. – P.1-4.

⁷ <http://www-lib.tufs.ac.jp>; Шунингдек, қаранг: <http://menadoc.bibliothek.uni-halle.de>

⁸ Стэнли Лэн-Пуль. Мусульманские династии. – Москва: Восточная литература, 2004. – С.311.

⁹ Босворт К.Э. Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии / Перевод с английского П.А.Грязневича. АН СССР Институт востоковедения. – М.: Наука. Главная редакция восточной литературы. 1971. – С.324.

¹⁰ Zambaur E.K.M. von. Manuel de Généalogie et de Chronologie pour l'histoire de l'islam. avec 20 tableau généalogique hors texte et 5 cartes. Unveränderter Neudruck – H.Lafaire, 1955. – P. 381.

¹¹ Woods John E.. The Rise of Timurid Historiography // Journal of Near Eastern Studies vol.46, No.2 – Chicago: Published By: The University of Chicago Press, 1987. – P.96-97.

¹² Камол Х. Насабшиноси (Курси лекция барои мактабҳои оли). – Душанбе, 2017. – С.213.

¹³ Абд ул-Кадир Бухари. Маджма' ал-ансаб ва л-ашдҷар / История Казахстана в персидских источниках. Том II / введение, перевод и примечания Ш.Вахидова, А.Муминова и Б.Аминова. – Алматы: Дайк Пресс, 2005.

орасида эпиграфик ва қўлёзма асарларга асосланиб ёзилганларининг сони кўп (Институт восточных рукописей РАН, Россия)¹⁴; X-XIV асрларда яшаган Мовароуннаҳр уламо аҳлига тегишли 239 та кайроқнинг араб ёзувидаги матнлари аннотациялар, рус тилидаги таржимаси ва изоҳлари билан нашр этилди (Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти ҳузуридаги Ислом тарихи, санъати ва маданияти тадқиқот маркази (Истамбул, Туркия)¹⁵.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чоп этилган тарихий адабиётлар таҳлили XV-XX асрлар Марказий Мовароуннаҳр қабртош битиклари ва улардаги тарихий шахслар генеалогияси бўйича махсус илмий ишлар йўқлиги, Ўзбекистон Республикасида айнан шу муаммо устида тадқиқотлар мавжуд эмаслигидан далолат беради. Эпиграфик материаллар устида илк тадқиқот ишларини Россия олимлари амалга оширган бўлиб, улар Ўрта Осиёнинг маданий марказларидаги илмий-тадқиқот марказларида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида иштирок этганлар. Қўлёзма манбалардан ташқари, рус олимларида меъморий ва қабртош битиклари катта қизиқиш уйғотган. Мазкур йўналишдаги илк қадамлар XIX асрнинг сўнгги чорагида амалга оширилган. Айнан шу вақтдан эътиборан ва XX аср мобайнида Ўрта Осиё эпиграфикаси соҳасида бир томондан Россия империясининг машхур олимлари (Н.Ханыков, Н.И.Веселовский, А.Л.Кун, П.И.Лерх, А.Семенов, В.В. Бартольд, В.Л.Вяткин ва бошқ.) иш олиб бориб яхши натижаларни қўлга киритган бўлсалар, бошқа томондан бир қатор совет даври олимлари (М.Массон, В.Шишкин, А.Якубовский, О.Большаков, А.Мухтаров, Л.Додхудоева, В.Настич, Б.Бобожонов, А.Муминов) ҳам шундай ютуқларга эришганлар. Эпиграфика, манбашуносликни ривожлантириш ва ўлка тарихини ўрганишда ўз ҳиссасини қўшган олимлар орасидан бир неча кишини тилга олишнинг ўзи кифоя қилади.

Улардан айримлари қўлёзмаларни тўплашган, битикларни қайд қилишган, ҳисоботлар тайёрлашган, йўл қайдлари, кундаликлар, хотиралар ёзиб қолдиришган бўлиб, улар архивлар, фондлар, музейларда сақланади, шунингдек тадқиқотчиларнинг илмий мақолалари илмий журналлар ва тўпламларда нашрдан чиққан. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, эпиграфика соҳасида Ўзбекистон мутахассисларининг хорижий ҳамкасблари билан ҳамкорликдаги ишларидан кўпроқ яхши натижалар олинган. Сўз илм-фанга кўпроқ манбалар берган ва эпиграфик ёдгорликлар устида олиб борилган ишларнинг хулосаси ва таҳлилинини ўзида мужассам этган нашрлар хусусида боради. Бу илк бор чоп этилган батафсил изоҳларга тўла, яхлит ҳолга

¹⁴Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып.1. – Москва: Восточная литература РАН, 1998. – С.59-60, 69-70, 81-82; шунингдек, қаранг: Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып.3.– Москва: Восточная литература РАН, 2001. – С.24-25,41,45,83-86.

¹⁵Эпитафии мусульманских ученых Самарканда (X-XIV века) / Введение, подготовка к изданию оригинальных текстов, переводы, комментарии: Б.М.Бабаджанов, Л.Н.Додхудоева, А.К.Муминов, У.Рудольф. – Стамбул: ИРСИКА, 2019.

келтирилган ва тизимли тартибда ташкил этилган ёдгорликлар тўпламида эпиграфик ёдгорликларнинг таърифи, ўқилиши ва таржимаси берилган¹⁶.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги вақтларда асосан ўзида турли мазмун ва моҳиятни мужассам этган яхлит мажмуа этиб йиғилган меъморий ёдгорликлар фаол равишда ўрганилмоқда, уларни тўплаш, умумлаштириш ва нашр қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу битиклар қурилиш, таъмирлаш ишлари хусусида далолат беради, бир қатор матнларда эса ташаббускорлар, меъморлар исмлари, бино қурилган сана ва ҳ.к. муҳрланган¹⁷.

Айни пайтда Мовароуннаҳр тарихий шахслари генеалогиясига бағишланган махсус тадқиқотлар жуда оз. Манбашунослик ва шарқшунослик муаммоларига бағишланган олимларнинг тадқиқотларида, ҳақиқатда, тарихий жараёнларда у ёки бу даражада муҳим роль ўйнаган тарихий шахсларнинг генеалогияси хусусида маълумотлар келтирилади. Бироқ, генеалогия муаммоларини ўрганишда умумий бўлган тадқиқотлар ҳам бор¹⁸. Шу билан бирга Самарқанд тарихи билимдонлари ва ўлкашуносларининг бир қатор ишларини таъкидлаб ўтиш лозим¹⁹.

Баъзи бир зодагон, шариф оилаларнинг генеалогияси, жумладан, Авлиё отанинг ҳомийси Қорахон насабномаси Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги аъзолари ишларида ўз аксини топган²⁰. «Ислам на территории бывшей Российской империи» қомусида нашр этилган О.Акимовкин, С.Н.Абашин, Б. Бобожонов и А.Мўминовларнинг илмий мақолаларида янги маълумотлар асосида Ўрта Осиё юқори қатламлари ва тасаввуф тариқатлари генеалогияси акс этган²¹. Кейинги йилларда қўлёзма асарлар негизида чоп этилган ишлар орасида Т.Файзиев²², А.Бўриев, Ў.Султонов амалга оширган ишларни киритиш мумкин. Шарқшунос Т.Файзиев ўзини “Темурийлар шажараси” илмий-оммабоп асарида манбалар ва тадқиқотларга асосланиб, Темурийлар генеалогиясини реконструкция қилган. Унинг китобида Ҳиндистонда ҳукм сурган Бобурийлар вакилларининг насабномалари ҳам кирган. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарини, жумладан унинг “Муқаддима” қисмини ўрганган О.Бўриев Амир Темур, унинг аждодлари,

¹⁶ Babadjanov B., Muminov A., Paul J. Schaibanidische Grabinschriften. Кўрс.асар.; Babajanov B., Szuppe M. Les inscriptions persanes de Chār Bakr, nécropole familiale des khwāja Jūybārī près de Boukhara. Кўрс. асар; шунингдек, қаранг. Эпитафии мусульманских ученых Самарқанда (X-XIV века). Кўрс. асар.

¹⁷ Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар / ўқиш, таржима ва шарҳлар: Б.Бобожонов, А.Раззок Бухорий, К.Раҳимжонов, Б.Маъруфий, Б.Аминов, С.Эшонова, К.Худойбергенов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

¹⁸ А.А.Семенов генеалогик манба ва Термиздаги Султон Содот мажмуасининг меъморий эпиграфикасидаги далиллар асосида биринчилардан бўлиб саййидларнинг Ўрта Осиёдаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб берди.

¹⁹ Самарқанд тарихи ҳаваскорлари ва ўлкашунослари орасидан муфтий Абу Тохир Хожа (ваф.1874) алоҳида ажралиб туради. Унинг амалга оширган ишининг натижаси “Самария” китоби саналиб, мазкур асарни форс тилидан ўзбек тилига ўгирган шахс 18 ёшли истеъдодли ёш олим Абдулмўъмин Сатторий (ваф. 1925 й.) бўлиб, у оламдан анча эрта, яъни 22 ёшида ўтиб кетган.

²⁰ Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год четвертый (11 декабря – 1898 года – 11 декабря 1899 года). – Ташкент, 1899. – С.87-91.

²¹ Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып.1. Кўрс.асар. – С.59-60,69-70,81-82; шунингдек, қаранг: Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып.3. Кўрс. асар. – С.24-25,41,45, 83-86.

²² Файзиев Т. Темурийлар шажараси – Тошкент: Ёзувчи нашриёти-Ҳазина, 1995.

авлодлари генеалогияси билан боғлиқ барча далилларни тавсифлаган²³. Ў.Султонов ўз мақоласида архив материалларига алоҳида эътибор қаратиб, уларни генеалогик манба сифатида таҳлил қилган²⁴. Бу маълумотлар қабртошларда келтирилган насл-насаб занжирларини ўрганишда фойдали бўлиши мумкин.

Шунингдек, бизнинг мавзуга алоқадор бўлган тарихий манбаларнинг таржималари дунё юзини кўрди. Ўзбекистон ҳудудида ХХІ юз йилликнинг бошларида топилган ва амир Музаффар (1860-1885) ҳукмронлиги даврида муаллиф Абдулқодир ибн Муҳаммад Амин қаламига мансуб “*Мажмуа ал-ансоб ва-л ашжор*” асари Одам Атодан бошлаб ХІХ аср охирига қадар мусулмон генеалогик анъаналарини қамраб олган²⁵.

Манбалар негизида генеалогия соҳасидаги яна бир тадқиқот алоҳида эътиборга сазовор саналади. Агиографик манбалар асосида М.Қодирова нақшбандийликнинг шайхи Хожа Аҳрорнинг биографиясини кўриб чиқиб, унинг юқоридан қуйига ва қуйидан юқорига бўлган генеалогиясига кўпроқ эътибор қаратади. Мазкур китобнинг амалий аҳамияти шундаки, ундан Марказий Осиёнинг бир-бирига қариндош зодагон хонадонлари ва оилаларини реконструкция қилиш мумкин²⁶.

Франция Миллий кутубхонасининг қўлёзма бўлимига тааллуқли бошқа бир асар “*«Муизз ал-ансоб»*” Чингизийлар ва Темурийлар генеалогиясини тавсифини ўзида мужассам этган²⁷. 2008 йили “ХІХ-ХХІ асрнинг генеалогик ёрлиқлари ва сакрал оилалар: Исҳоқ Боб ҳақида сакрал афсоналар билан боғлиқ насабнома ва хожалар” китоби дунё юзини кўрди ва унда Туркистоннинг оила-қон-қариндошлик, диний элита насабномасини ўзида мужассам этган. Бу тадқиқот ҳозирги кунга қадар генеалогияга оид номаълум бўлган манбани илмий доирага киритди ва мазкур мавзу доирасида бўлажак тадқиқотлар учун бой материал берди²⁸.

Мовароуннаҳр генеалогияси, шунингдек эпиграфик ёдгорликларга бағишланган тадқиқотларда ҳам ўз аксини топган (В.Настич²⁹, Б.Кочнев³⁰,

²³Амир Темур аждодлари (Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридан терма-таржима) / Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи О.Бўриев. – Тошкент: Қомуслар Бош муҳарририяти, 1992.

²⁴Султонов Ў. Архив ҳужжатлари генеалогик манба сифатида (ХІХ-ХХ аср бошлари) // Тарих фани ва архив иши: интеграция муаммолари. Акад. Я.Ғуломов номидаги “Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи” Республика илмий семинари материаллари тўплами. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.129-135.

²⁵Абд ул-Қадир Бухари. Мажма’ ал-ансаб ва л-ашджар / История Казахстана в персидских источниках. Кўрс. асар.

²⁶Қадырова М. Жития Ходжа Ахрара. Опыт системного анализа по реконструкции биографии и истории рода Ахраридов. – Ташкент. 2007.

²⁷Му’изз ал-ансаб (Прославляющее генеалогии) / История Казахстана в персидских источниках. Том III / введение, перевод с персидского языка, примечания, подготовка факсимиле к изданию Ш.Вохидова, составление указателей У.А.Утепбергеновой. – Алматы: Дайк-Пресс, 2006.

²⁸Исламизация и сакральные родословные в Центральной Азии: наследие Исхак Баба в нарративной и генеалогической традициях / сост., пер. на рус. яз., коммент., прилож. и указ.: А.Муминов, З.Жандарбек, Д.Рахимджанов, Ш.Зиядов. – Алматы: Дайк-Пресс, 2008.

²⁹Настич В.Н. Арабописьменная погребальная эпиграфика Южного Казахстана и Киргизии как исторический источник // Бартольдские чтения. – Москва: Наука, 1981. – С. 63-64.

³⁰Кочнев Б. Нумизматическая история Караханидского каганата (991-1209 гг.). Часть 1. Нумизматическое исследование. – М.: София, 2006.

А.Мухторов³¹, Л.Додхудоева³², Б.Бобожонов, Ю.Пауль, А.Мўминов, М.Шуппе³³).

Бу йўналишда изланиш ва тадқиқотлар ҳамда уларнинг натижалари алоҳида мақолалар тарзида эълон қилинган, ёхуд у ёки бу ёдгорликнинг ҳамда манбанинг тадқиқоти орқали амалга оширилган³⁴.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган муассаса илмий-тадқиқот ишлари режасига боғлиқлиги. Диссертация Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-Ф8-022 “Марказий Осиё халқлари ёзма меросини ўрганиш: манбашунослик ва матншунослик тадқиқотлари”, ЎЗР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТД-3-029 “Марказий Осиё сулолалари тарихи ва уларнинг шажараси (XV-XIX асрлар.)”, ИТД-3-043 “Ўрта Осиёнинг сиёсий ва ижтимоий мартабалари ва лавозимлари” давлат илмий-тадқиқот грантлари мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Марказий Мовароуннаҳр XV-XX асрлар қабртош битикларидаги маълумотларни илмий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш ва улар ҳамда қўшимча манбалар асосида тарихий шахслар насабномаларини тиклаш, ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш ва аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Самарқанд шаҳри, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг қабртош битиклари топиб ўрганилган мазорлари, қабристонлари ва археологик ёдгорликларини тавсифини бериш, уларнинг жойлашувини аниқлаш ва фанда ўрганилишини ёритиш;

қабртош ёзувларни ўрганишнинг ҳамда генеалогик маълумотларни тадқиқ қилишнинг методологик ва назарий асосларини кўрсатиш;

қабртош битикларидаги матнларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш, диний матнлар, *дуо* ва *марсия*нинг эпиграфикадаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш;

эпиграфиканинг китобат санъати билан қўшилуви ва қўлёзма анъаналарига хос унсурларнинг эпиграфик ёдгорликларга киришини аниқлаш ҳамда қабртош ва қўлёзма матнларидаги анъанавийлик, ўзаро яқинлик ва ўзаро таъсирни таҳлил қилиш;

генеалогик омилни ўрганиш ва унинг давлат бошқарувидаги ўрни ва ролини таҳлил қилиш;

³¹ Мухтаров А.М. Эпиграфические памятники Кухистана XI-XIX вв. Кн.1. – Душанбе, 1978. Кн.2., 1979.

³² Додхудоева Л.Н. Эпиграфические памятники Самарканда XI-XIV вв. Том I. – Душанбе: Даниш, 1992.

³³ Babajanov B., M.Szuppe. Les inscriptions persanes de Chār Bakr, nécropole familiale des khwāja Jūybārī près de Boukhara. Кўрс. асар.

³⁴ Мазкур мавзу устидаги тадқиқот доирасида диссертант бир нечта мақола ва рисоалар чоп этган: Аминов Б. Новые данные о генеалогии барласских амиров / Общественные науки в Узбекистане. Вып.№6. – Ташкент, 2002. – С.40-43.; Aminov B. Genealogy of the Musaviyya Sayyids in Funeral Epigraphy from the Shah-I Zinda Complex // International Journal of Central Asian Studies. Volume 14. – Seoul. 2010. – P.167-180; Аминов Б. Генеалогия саййидов в погребальной эпиграфике Мавераннахра (Некрополь Шахи Зинда, г.Самарканд). – Ташкент: Akademiya. 2012. – Б.30.

тош битиклар маълумотлари асосида *барлос* қавмига мансуб Амир Темур авлодлари ва қариндошларининг, шунингдек, Шайбонийлар, Аштархонийлар, Манғитлар сулолаларига тааллуқли айрим тарихий шахсларнинг жамият ижтимоий ва сиёсий соҳаларидаги фаолиятини аниқлаш, улар насл-насаб занжирларини тўлдириш ва реконструкциясини амалга ошириш;

Марказий Мовароуннаҳрнинг саййидлари, уларнинг оилавий тармоқлари, насабномалари ва қон-қариндошлик муносабатларини аниқлаш, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги хожалар тоифаси, шунингдек, мазкур ҳудудларда фаолият юритган тасаввуфнинг *ясавия – азизон, нақшбандия, ишқия* пирлари, уларнинг оила аъзолари, тариқатларга алоқадор шахслар насабномаларини аниқлаш, насл-насаб алоқадорликларини таҳлил қилиш, шажараларини янги маълумотлар асосида тиклаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистондаги қабртош битиклар ва тарихий шахслар генеалогияси тарихи белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети XV-XX асрлар Марказий Мовароуннаҳр қабртош битиклар ва тарихий шахслар генеалогияси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тадқиқот объекти мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тарих, манбашунослик ва тарихнинг ёрдамчи тармоқлари бўлган эпиграфика ва генеалогия томонидан манбалар устида ишлашда қўлланиладиган усуллардан фойдаланиш қатори тарихийлик, объективлик, тизимлилик, кузатув, анализ-синтез усулларида фойдаланилди. Тадқиқотда қўлланган илмий усул ва ёндашувлар иккинчи бобда батафсил ёритилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Самарқанд шаҳри, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятидаги ҳукмдор сулолалар, аслзода хонадонлар, қадимги зодагон оилалар, уламо аҳли, тасаввуф тариқатларининг пирларига иззат-икром ва эҳтиром кўрсатиш ҳамда уларни ёдга олиш мақсадида, бу шахсларнинг қариндошлари ва яқин кишилари, улар учун мақбаралар, сағаналар қурганлиги, қисқа ва таъсирга эга матнлар туширилган ҳамда насл-насаб занжири битилган қабртошлар ўрнатганлиги, бу ерларда некрополлар, мозорлар ва меъморий-ёдгорлик мажмуалари алоҳида турувчи қабртошлар билан бирга шаклланган бўлиб, улар воситасида аслзода, шариф оилалар, уруғ-аймоқлар ва кланлар шажараси ҳамда насл-насаб занжирини тўлдириш ва тузиш мумкинлиги, қабртош битиклар матнлари учун ўлим, дафн, фоний дунёдан боқий дунёга ўтиш, истиғфор сўраш мазмуни акс этган Қуръон оятлари, ҳадислар, ҳикматлар, *дуолар* ва *марсиялар* махсус равишда китобат этилиши илмий таҳлил натижасида аниқланган ва қисқа тарихий матнлар ва саналар қаторида битик муаллифлари қабртош ёзувини ўзлари тузганликлари, қисқа ва тўла насабномалар билан тўлдирилганликлари ўз исботини топган;

барлос уруғи насл-насаб занжирига айрим тўлдиришлар ва ўзгартиришлар киритилган, бу уруғ ва Амир Темур ҳамда унинг тўғридан тўғри авлодлари ўртасидаги қон-қариндошлик муносабатлари далиллар билан тўлдирилган, Амир Темур ва Темурийлар шажарасига оид айрим

маълумотлар берилган, *барлос* уруғи ва Темурийлар вакилларининг Шаҳрисабз шаҳри ҳамда унинг теварак-атрофидаги ҳудудларда, шунингдек Самарқанд шаҳридаги ёдгорлик-меъморий мажмуаларида мавжуд қабрлари, дафн этилган жойлари аниқлаб берилган;

Шайбонийлар сулоласи шоҳлар хонадонига мансуб шахслар Самарқанд, Бухоро ва Яссидаги оилавий даҳмаларда сўнгги қўнимгоҳларини топганлигига қарамай, бу хонадоннинг таъсирга эга вакили Бурундук Султон (ваф.1545), *ишқия* шайхлари муриди - Катта Лангар шайхлари мақбараси ёнида дафн этилганлиги ўз исботини топган;

қабртошлардаги битиклар асосида Олтин Ўрда хонининг Тўқай-Темурийлар (Аштархонийлар, Жонийлар) сулоласига мансуб Ман Қишлоқ б. Жувохнинг XVI асрнинг биринчи чорагида Миёнколга кўчиб келиши мазкур янги сулола биринчи вакилининг Мовароуннаҳрда, илгари кўрсатилган даврга нисбатан бир неча ўн йиллар аввал пайдо бўлганлиги ва Аштархонийлар хонадони насл-насаб тарихи ва хонадон тарихини тўлдиришга хизмат қилувчи ҳамда аштархоний Нодир Муҳаммаднинг икки фарзанди: Сафия бону ва Баҳром султонларга тегишли бўлган стелалар аниқланган;

Дор ат-тиловат мажмуасидаги Қутлуқ Муҳаммад ибн Хожам Берди бий қабртоши ҳамда Манғитлар сулоласи даври манбалари асосида Манғитларнинг Шарқий Қашқадарёга кўчиб ўтиши ва ўзининг сўнгги манзили, яъни дафн ери сифатида Шаҳрисабздаги собиқ *барлос*лар қабристонини танлаши, шунингдек ўзларининг муршиди бўлган Мирим шайх Эски Лангардаги қабри атрофида дафн этилганлиги аниқланган;

Термиз саййиди Жаъфар б. Иброҳим Мусонинг XVI-XVIII асрларда яшаган авлодлари - *мусавия*, *мираконий* саййидларининг Шоҳи Зинда, Ёздаҳ Имом ва Дор ат-тиловат мажмуаларида дафн этилганликлари, шунингдек Касбийда яшаган ва Султон Мир Ҳайдар мажмуасида дафн этилган султон содот Амир Шамсиддин Ҳайдар (ваф.1364) ва *касбагий* (*касбавий*), *насафий* (*нахшабий*) нисбали Касбий ҳамда Насаф саййидлари ота-бобоси ва аждоди Амир Ҳайдар Касбавий (ваф. 1271) эканлиги далиллар билан исботланган;

Шоҳи Зинда мажмуасининг алоҳида оилавий хилхоналарида дафн этилган ҳамда Самарқандда яшаб ўтган *хожалар* хонадонига мансуб Хожа Ибодуллоҳ, Хожа Муин, Хожа Омон ибн Хожа Замон (ваф. 1671/1672), Хожа Солиҳ, Хожа Абдуллоҳ авлодлари орасида, асосан уларнинг қизларига бағишланган ва қисқача насабномалари битилган қабртошлар, шунингдек Қашқадарё вилоятининг машҳур қишлоқлари (Эски Лангар, Хожа Имконагий, Хожа Асфароз, Катта Лангар ва бошқ.)да яшаган хожалар ва уларнинг бир-бирлари билан қон-қариндошлик муносабатлари янги маълумотлар билан асосланган;

Нақшбандия, *ишқия*, *ясавия-азизон* тариқатлари шайхлари ва намояндalари генеалогияси ҳақида асосланган фактлар, улар учун ўрнатилган қабртош битикларидаги маълумотлар орқали исботланган ва *исҳоқийлар*, *нақшбандия-мужаддидия*, *ишқия*, *ясавия-азизон* тариқатлари шайхлари насабномалари хусусида далиллар асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк маротаба Самарқанд шаҳри, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг мозорлари, қабристонлари ва зиёратгоҳлари тарихий-географик жиҳатдан ўрганилди ва уларнинг тавсифи берилди;

авлиёлар қадамжолари, тасаввуф марказлари, меъморий-обида мажмуаларининг аниқланиши ички ва ташқи туризмни ривожлантиришда, улардан зиёрат объекти сифатида фойдаланишда, қудсий шахсларнинг ҳаёти, фаолиятини ўрганишда ишончли далил бўлиб хизмат қилади;

Самарқанд шаҳри, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари худудидан XV-XX асрларга оид 400 дан ортиқ араб графикасидаги қабртош битиклар топилди, ўқиб чиқилди, таржимаси амалга оширилди ва биринчи маротаба кам ўрганилган эпиграфик ёдгорлик генеалогик манба сифатида илмий доирага тортилиб, қабртоши битиклари тўпламига киритилди;

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида мавзуга тааллуқли 15 дан ортиқ қўлёзма асарлар ҳамда шахсий коллекцияларда Мовароуннаҳр генеалогиясига оид далиллар сақланган бўлиб, улар тарихий шахсларнинг оиласи, яқин қон-қариндошлиги, қариндошлик алоқалари масалаларига ойдинлик киритади;

қабртош битиклар асосида ҳукмдор сулолалар, *саййид*лар, *хожалар*, тасаввуф раҳнамолари, пирлари, уларнинг авлод-аждодлари, шунингдек, давлат ва маъмурий бошқарувдаги шахсларнинг насабномалари реконструкция қилинди ва бу далиллар тарихда салмоқли из қолдирган хонадонлар генеалогияси, оилалар тарихи, қон-қариндошлик муносабатлари, инсонлар биографиялари ва бошқа жиҳатларини ўрганишда фойдали бўлиши мумкин;

диссертация натижалари ва хулосаларидан Ўзбекистон, Марказий Осиё эпиграфикаси, тарихий шахслар генеалогияси, Ўзбекистон, қўшни республикалар, айрим шарқ мамлакатлари тарихини ёзишда, эпиграфика, генеалогия каби тарихнинг ёрдамчи тармоқлари махсус курсларини тайёрлаш ва ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ушбу илмий тадқиқот доирасида Марказий Мовароуннаҳрнинг XV-XX асрлар қабртош битиклари ва тарихий шахслар генеалогияси, шунингдек, ёзма манбалар маълумотларини конкрет-тарихий ёндашув асосида ўрганиш ва тадқиқ қилиш асосида амалга оширилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижалари Марказий Мовароуннаҳрнинг XV-XX асрларга тааллуқли эпиграфик ёдгорликлари – қабртош битикларининг тарихий манба сифатидаги ўрни ва аҳамиятини тўлиқ ва объектив равишда баҳолаш, илмий доирага киритиш ва шулар асосида тарихий шахслар генеалогиясини ўрганишдек долзарб мавзунинг илмий жиҳатдан ёритиш нуқтаи назаридан муҳим саналади. Эпиграфик манбалар ва қўлёзма асарларни чуқур тадқиқ қилиш тарихни билишга кенг имкониятлар очиб беради ҳамда тарих илмининг энг муҳим муаммоларига диққат қаратишни лозим қилиб қўяди.

Тадқиқот натижаларидан турли соҳа мутахассислари, биринчи навбатда тарихчилар, манбашунослар, эпиграфика ва генеалогия каби тор соҳа мутахассислари ўз илмий изланишларида ҳамда олий ўқув юртларида “Эпиграфика”, “Генеалогия”, “Манбашунослик”, “Туризм асослари” каби фанлардан ўқув қўлланма, дарсликлар яратишда ҳамда Ўзбекистон тарихи телеканалда тарихий маълумотларни тарғиб қилишда фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XV-XX асрлар Марказий Мовароуннаҳр қабртош эпиграфикаси ва тарихий шахслар генеалогиясини ўрганиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Самарқанд шаҳри, Самарқанд ва Қашқадарё вилояти меъморий ҳамда эпиграфик ёдгорликларидаги битикларни ўрганиш жараёнида олинган янги маълумотлар, шунингдек тадқиқотлар жараёнида берилган хулоса ва таклифлар китоб-альбомни ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар. Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 564 б.). Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда эпиграфиканинг ривожига муносиб ҳисса қўшишга, халқ тарихий хотирасини тиклаш жараёнига, шунингдек маданият ва тарих ёдгорликларини сақлашга муносабатни шакллантиришга хизмат қилган;

Қашқадарё вилояти қабртош битикларига асосланиб Темурийлар, *барлос* қавми вакиллари, Термиз ва Касби саййидлари, *ишқия*, *нақшбандия* шайхлари, Қашқадарё хожалари генеалогиясига оид маълумотлар аниқланган бўлиб, улардан Қашқадарё вилояти эпиграфикасига бағишланган китоб нашр этилишида фойдаланилган (Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. Қашқадарё. Саройлар, меъморий ёдгорлик мажмуалар. III жилд. Биринчи китоб. Тошкент: Extremum press, 2012. –320 б.). Тадқиқот натижалари Мовароуннаҳр хукмдор сулолалари ва диний-ижтимоий қатламлари вакиллари тарихини тўлдириш ҳамда насл-насаб занжирини тиклашга хизмат қилган.

Қабртош битиклардаги тарихий далиллар Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейидаги музей ашёлари ва экспонатларини илмий тавсифлаш ҳамда аниқлашда, шунингдек Амир Темур, Темурийлар, *барлос*лар, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Манғитлар тарихи, генеалогиясини янги маълумотлар асосида ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 11.06.2019 й. № 01-12-10-2794 маълумотномаси). Олинган натижалар Темурийлар, *барлос*лар, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Манғитлар тарихи ва генеалогияси масалаларини ёритишга ҳамда XV-XX асрлар тарихий шахслари насл-насаб занжирини тиклашга асос бўлган;

Тарихий аҳамиятга эга Шаҳрисабз Оқсаройидаги битиклар асосида ислимий ва геометрик нақшу-нигорлар ҳамда бино деворидаги арабий ёзувлар билан мутаносиб кошинбурриш нақшу-нигорлар ҳамда безакли кошинбурриш материалларнинг сарой ички ҳовлиси саҳнида ишлатилиши хусусидаги фикр-мулоҳазалар эътиборга олиниб, бунинг натижаларидан Оқсарой мозаик полини консервация ва реставрацияси бўйича

хамкорликдаги ўзбек-француз лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 11.06.2019 й. № 01-12-10-2794 маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Оксарой эпиграфикасига чамбарчас боғлиқ ислимий ва нақшли мозаик ва майолик кошинларнинг битиклар билан уйғунлашган ҳолда ўрганишга хизмат қилган;

Манбашунослик ҳамда тарихнинг ёрдамчи тармоқларига нисбатан ишлаб чиқилган илмий-назарий методлар тарих факультетларининг “Тарих”(жаҳон мамлакатлари бўйича), “Архившунослик” бакалавриат йўналишидаги талабалари учун “Манбашунослик” дарслигини ёзишда фойдаланилган (Manbashunoslik. Darslik. – Toshkent, 2019. – 480 b.). Олинган илмий-назарий натижалар эпиграфик, генеалогик ва тарихий манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Эпиграфик ёдгорликлар ва Темурийлар даври манбалари тадқиқи билан боғлиқ амалга оширилган ишлардан Ўзбекистоннинг давлат муассасалари тарихи дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (O`zbekistonning davlat muassasalari tarixi. Darslik. – Toshkent, 2019. – 416 b.). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши Амир Темур ва Темурийлар тарихини янги далиллар билан тўлдиришга, Темурийлар хонадонига мансуб ҳукмдорларнинг насл-насаби, мансаби, лавозими, мартабаларини аниқлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Илмий тадқиқотлар натижалари 20 та анжуманда апробациядан ўтди, жумладан, халқаро анжуманларда: Франция (Бордо), Германия (Берлин), Голландия (Лейден), Россия (Нижний Новгород, Қозон, Москва, Санкт-Петербург), Туркия (Истанбул, Анқара), Қозоғистон (Актобе, Алмати), Тожикистон (Душанбе).

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 45 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, 2 та коллектив монографиянинг алоҳида турли бўлимлари, 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия қилган илмий нашрларда 15 та мақола, улардан 13 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми иловаларсиз 250 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан-техника ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, диссертация мавзуси доирасида хорижда амалга оширилган илмий тадқиқотлар шарҳи берилган, мавзунинг илмий жиҳатдан ўрганилганлик даражаси, унинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, ишнинг мақсад ва

вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ҳамда асосий тадқиқот методлари кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби – “**Марказий Мовароуннаҳр эпиграфик ёдгорликлари ва уларнинг ўрганилиш тарихи**” - қабртош битиклари билан боғланган тарихий-археологик ёдгорликлар тавсифига бағишланган. Уларга некрополлар, муқаддас жойлар, тарихий-ёдгорлик мажмуалари, қабристонлар киради. Улар шаҳар ва аҳоли яшаш жойларининг қимматбаҳо тарихий-маданий объектлари, очиқ осмон остидаги музей, диққатга сазовор жойлар мақомига эга, тарихий-ўлкашуносликка оид маълумотлар ҳамда оилавий тарих учун манбалар берувчи, авлод-аждодлар ўртасида бир-бирини боғловчи занжир ролини бажарувчи бўлиб хизмат қилади.

Бобнинг **биринчи** параграфида Самарқанд шаҳрининг шаклланиши тарихий-географик жиҳатдан қисқача тўхталган, унинг ҳозирги жўғрофий ҳолатига баҳо берилган, қадимги шаҳарнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилинган, шунингдек илмий ва тарихий аҳамиятга эга улуғвор тарихий ва маданий ёдгорликлари хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилган. Булар орасида қабртош битиклар мавжуд меъморий-ёдгорлик мажмуалари, қадимий ва умумий фойдаланиладиган қабристонлар, мазорлар алоҳида қимматга эга. Умумий тасаввур учун объектлар таснифи берилган, маданий меросга қарашли ҳудудлар тавсифланган, уларнинг замонавий ҳолати аниқланган. Уларга Шоҳи Зинда, Гўри Амир, Ёздаҳ Имом, Хожа Исҳоқ, Чокардиза, Махдуми Хоразмий мажмуа, мақбара ва некрополлари, Хожа Абдурасул, Аббос бий оилавий даҳмалари ва Хожа Хизр масжидининг қабристон қисми киради.

Биринчи боб **иккинчи** параграфида Самарқанд вилоятига қарашли асосий тарихий-географик туманлар, мазорлар, қабристонлар, ёдгорлик-қабристон мажмуалари ёритилган. Эпиграфик тадқиқот-қидирув ишлари жараёнида излаб топилган ёдгорликлар тавсифланган. Буларга асосан қуйидаги объектлар киради: Остона ата, Дабусия, Қарнаб ота, Махдуми Аъзам, Кўк ота, Ошиқ ота, Олим шайх азизон, Мўмин шайх, Арк - тепа.

Биринчи бобнинг **учинчи** параграфида Қашқадарё вилояти асосий шаҳарлари – Қарши ва Шаҳрисабз, шунингдек уларнинг теварак-атрофидаги ҳудудлар маданий мерос объектлари тавсифи берилган. Жойларнинг топографик хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтилган, зиёратгоҳ, қадамжоларни тарихий ва археологик ўрганилиши ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилинган, ёдгорликлардаги ўзига хос белгилари кўрсатиб ўтилган. Ҳар икки шаҳарнинг маданий мерос ёдгорликлари илмий қийматга эга ва шу боисдан улар эпиграфик ва генеалогик тадқиқот объектлари сифатида олинган. Бизнинг рўйхатимизда Қарши шаҳри ва унинг атрофидаги қуйидаги ҳудудлар

киритилган: Қўрғонча масжиди қошидаги мазор, Имом Мўъин, Ҳазрати Шайх, Қусам ота.

Амир Темур ва Темурийлар даврининг энг сара ёдгорликларига Оқсарой саройи харобалари, Дор ат-тиловат ва Дор ас-саодат ёдгорлик-зиёрат ва меъморий мажмуалари киради. Дор ат-тиловат худудида ўзига хос ажойиб мақбара ёдгорликлари жойлашган. Мажмуадаги Гумбази Саййидон мақбараси Термиз саййидларига бағишланган. Гумбази Саййидон мақбарасига эски қабристоннинг майдони туташган ва у ерда, ғиштдан иншоот этилган баланд супалар устида турли ўлчамдаги 20 тача мармар қабртошлар ўрнатилган.

Амир Темур даврининг энг асосий мақбара иншоотларидан бири, бу Дор ас-саодат мажмуасидаги хилхона – ер ости қабр усти меъморий иншоотидир. Мажмуанинг қабртош ёдгорликлари Шаҳрисабз Амир Темур номидаги моддий маданият музейига олиб кетилган.

Қашқадарё вилоятининг тарихи ва тарихий шахслари генеалогиясини ўрганишда битиклари бор қабртошлар жойлашган авлиё қадамжолари, мазорлар, қабристонлар ва ёдгорлик мажмуалари тадқиқотчилар диққатини ўзига тортади³⁵.

Диссертациянинг **иккинчи** боби “Тадқиқот методлари, қабртош матнлари моҳияти, қиёсий таҳлил ва генеалогик омил” деб номланган бўлиб, у тадқиқот методлари, матнни умумий мазмуни ва моҳиятини тушуниш, қабртош битиклар ва насабномаларни қўлёзма асарлар билан қиёсий таҳлилни амалга ошириш, шунингдек тарихий жараёнларда генеалогик омилнинг ўрнини кўрсатишга бағишланган.

Генеалогик тадқиқотлар методлари тарихий шахсларни келиб чиқишини аниқлаш имконини беради, ўз оиласи, уруғ-аймоғи ва қон-қариндошлик алоқалари тарихини билишга қўмаклашади. Доирасимон чизмалар вертикал ва горизонтал чизиқлар шаклида шахс ҳақида конкрет маълумотлар беради. Бундай чизмалар кўп ҳолларда тасаввуф насабномаларида учрайди. Улар содда, конкрет ва тадқиқотчи ишини енгиллаштиради.

Диссертация **иккинчи** бобининг **иккинчи** параграфи асосан Марказий Мовароуннаҳр қабртош битиклари матнларининг мазмуни ва уларни таҳлиliga бағишланган. Тарихий маълумот йиғиш мақсадида минтақа қабртош битикларининг текстологик хусусиятлари, жумладан, тарихий шахсларнинг насабномаларини қайта тиклашга имкон берувчи насл-насабга оид далиллар кўриб чиқилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамиятнинг юқори ва ўрта қатлами учун тайёрлаб ўрнатилган қабртошлар кичик меъморий ёдгорликни ўзида акс эттиради.

³⁵ Улар орасида Султон Мир Ҳайдар, Катта Лангар, Хожа Имконагий, Хожа Асфароз, Хожа Илғор, Мир Жанди ота, Чўғ мазор ота, Оқтуя ота, Чандирак жар, Қиём шайх, Пирқўтон, Кўктош ота, Ҳазрат Башир мажмуа ва қабристонлари бошқа шунга ўхшаш ёдгорликлардан фарқ қилиб туради.

Эпитафияларнинг матнлари лўнда бўлиб, тарихий маълумотлар қисқа, конкрет ва аниқ тарзда берилади³⁶. Қудсий жумлалар сифатида қабул қилинган диний матнлар Марказий Мовароуннаҳр дафн эпитафикасида алоҳида ўрин эгаллайди. Матн тузувчилар томонидан қабртошлар учун махсус равишда алоҳида *оятлар* ва *суралар* танлаб олинган.

Матнларни ўрганиш жараёнида, қабртош матнлари орасида қўлланилган ҳамда кенг тарқалган ва диний ибодатга тааллуқли бўлган *дуоларга* кўпроқ эътибор қаратилди. «*Муҳиммот ал-муслимийн*» китобида *дуо* иймоннинг мазмун-моҳияти сифатида талқин қилинган³⁷. *Дуолар* 100 дан ошиқ қабртош битиклардан аниқлаб олинди. Айримларининг иборалари қисқа, бошқалари эса узун матндан иборат.

Қабртош битиклардаги шеърий матнлар – *марсия* (элегия)лар, поэтик, тарихий ва генеалогик манба сифатида фойдаланилди. *Марсиялар* қисқа ва узун бўлади. Қабртош ёдгорликлари матнларида энг кўп фойдаланилган *марсиялардан* бири форс-тожик шеъриятининг намояндаси Саъдий Шерозий қаламига мансуб (1210-1291). Унинг ғазали кўплаб қабртошларда топиб аниқланган ва ўз давриинг энг машҳур ва халқчил асарларидан саналган³⁸. Донаторлар махсус буюртмасига биноан ёзилган элегиялар ҳам учрайди³⁹.

Диссертация **иккинчи** бобининг **учинчи** параграфи “**Қабртош матнлари ва насабномаларнинг қўлёзма манбалар билан қиёсий таҳлили масаласи**”га бағишланган бўлиб, унда китобат анъаналари билан мустаҳкам боғланган қабртош битикларнинг текстологик таҳлили амалга оширилган. Эпитафия матнлари алоҳида намуна (модель) асосида тузилади ва уларни саралашда ижод аҳли ҳамда матн тузувчилар алоҳида тамойилларга таянганлар. Намуна ва шакллар асосан китобат анъаналаридан олинган⁴⁰.

Маълумки ижтимоий-сиёсий жараёнларда генеалогик омил катта аҳамиятга эга. Ўтган юз йилликларда оила-никоҳ муносабатларининг сиёсий жараёнларда олдинги поғонани эгаллашига шак-шубҳа йўқ. Ҳокимиятни мерос қолдиришда, умумий мулкни тақсимлашда, тоифавий имтиёз ва ҳуқуқларни сақлашда оиланинг ўрни яққол кўзга ташланган⁴¹. Темурийлар ва

³⁶ Қабртош матнини қуйидаги қисмлар билан таснифлаш мумкин: 1) Аллоҳ ва Пайғамбар ҳаққига битилган бағишлов жумлалари, “*Аллоҳ номи билан*” мақтов, шарафлов, яъни “*Бисмиллоҳ*”, сўнгра “*Фотиҳа*” сураси ҳамда Куръондан келтирилган бошқа иқтибослар (масалан: *оят ал-Курси*) ёхуд бошқа қудсий иборалар. Матнлар қабртошнинг устки қисми, ён томонлари юзаси ва кўндаланг қисми сиртида битилган; 2) тарихий мазмунга эга қисқа матн энг қимматли тарихий далилларни беради (тарихий шахснинг исми, эпитети, қунияси, *лақаби*, *насаби*, *нисбаси*, вафот санаси); 3) эпитафия (хазин, ғам-ҳасрат ва қайғули иборалар) ёки элегия (*марсия*).

³⁷ Шахсий коллекция қўлёзмаси, №33

³⁸ 365. *کلیات سعدی. نشر آروین. تهران 1374 ص.*

³⁹ Бунга Султон Мир Ҳайдар, Хожа Исҳоқ, Гумбази Саййидон мажмуаларида жойлашган қабртошлар мисол бўла олади.

⁴⁰ Диний ибора ва жумлалар анъанага мувофиқ Куръон ва ҳадислардан, *марсиялар* эса форс-тожик адабиёти классиклари асарларидан олинган. Айрим ижодкор кишилар марҳумлар шарафига ўзлари *марсиялар* ёзганлар. Қабртош эпитафикаси материалларидан аниқлаб олинган хос кишиларнинг насабномалари китобат анъанасидаги насабномалар билан ҳам мувофиқ келади.

⁴¹ Масалан, сулолавий никоҳ воситаси билан Амир Темур давлатда ўзининг мавқеини мустаҳкамлаган, шунингдек у ўз фарзандлари ва авлодларини бошқа сулола вакиллари, хусусан Чингизийлар билан насл-насаб жиҳатдан боғлашда ташаббускор бўлган.

Ўзбек хонликлари хонадонларининг саййидлар ва хожалар билан қон-қариндошлик алоқалари кузатилади⁴². Ҳукмдорлар оилалари ҳамда диний шахслар ўртасидаги генеалогик алоқаларнинг ўрнатилиши уларнинг ижтимоий мавқеи ва меросини сақлашда қўл келган. Бундан ташқари, сулолавий никоҳлар ҳокимият эгаллигига қонуний тус бериш воситаси бўлажак ҳукмдорга тахтга ўтириш ҳуқуқини берган.

Учинчи боб “Марказий Мовароуннаҳр қабртошларида ҳукмдор сулолаларнинг насабномалари” номи остида бўлиб, бунда Самарқанд шахри, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги қабртошларда исмлари аниқланган ҳукмдор сулолалар ва хонадонларнинг алоҳида вакиллари тадқиқ этилган. Ҳукмдор сулолаларнинг жамият ҳаётида, ҳарбий ва сиёсий жараёнларда ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Уларнинг кўпчилиги минтақанинг XV-XX асрлар даври тарихида сезиларли даражада из қолдирган. Шу боис сулолалар ўртасидаги яқин қариндошлик алоқалари, уларнинг бошқа аслзода ва олийнасаб хонадонлар билан қон-қариндошлик муносабатлари, уруғ, оила, уларнинг минтақа ҳарбий-сиёсий жараёнлар ва руҳий маънавий дунёсига таъсири кўриб чиқилади.

Битикларга таянган ҳолда *барлослар* уруғига тааллуқли бир қатор амирларнинг исмлари аниқланди. Уруғнинг энг ёрқин вакили – Амир Темур саналади. Унинг авлодлари мусулмон дунёсининг тарихида сезиларли из қолдирди. Ўйрик империяни яратишда унинг уруғдошлари – *барлослар* улкан ҳисса қўшганлар. Уларнинг кўпчилиги Шаҳрисабздан келиб чиққанлар. Шунинг учун ҳам *барлослар* ўз қариндошларини Шаҳрисабз шаҳридаги бош қабристонда дафн этишни афзал кўрганлар. Темур томонидан иншоот этилган олий ва улуғвор иморатлар ўртасида Дор ат-тиловат ва Дор ас-саодат ёдгорлик мажмуалари алоҳида ажралиб туради ва бу ерда авлиёлар билан бир қаторда *барлос* уруғига мансуб кўзга кўринган лашкарбошилар ва уларнинг авлодлари дафн этилган.

Дор ат-тиловат ва Дор ас-саодат ҳудудида *барлосларнинг* илк қабрлари Темур ҳукмронлиги даврида пайдо бўлганлиги эҳтимол қилинади⁴³. Амир Темурнинг Самарқанддаги оилавий хилхонаси ҳовлисида Темур невараси Абу Саъид авлодлари қабртошлари қўйилган⁴⁴.

⁴²Бундай никоҳлар тузилиши билан ҳукмдор сулолалар ва диний қатлам ҳамда тоифалар ўртасида муносабатлар яхшиланган.

⁴³Бу ерда, Амир Темур хонадони вакилларида ташқари мазкур уруғнинг машҳур ва олий насаб кишиларининг қабрлари ҳам жойлашган. Бундан ташқари, Қашқадарё вилоятининг шарқий қисмида мазкур уруғ намояндалари дафн этилган қуйидаги мазор ва қабристонлар аниқланган: Хожа Илғор, Ҳазрат Башир, Водрук, Чўғмозор ота, Мир Жанди ота. Шунингдек, Темур авлодлари ва уруғдошлари дафн этилган жойларга Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда, Гўри Амир, Ҳиротдаги Гумбази Сабз киради.

⁴⁴Тадқиқот жараёнида уларнинг илгари ўрганилмагани исботланди. Ўтказилган тадқиқот натижасида қабртош соҳиблари исмлари аниқланди. Улар Абу Саъид (1424-1469)нинг қизлари бўлиб, Темурийлар даври манбаларида исмлари қайд этилмаган ва улар қуйидагилар: 1) Иззат султон ханика (ваф. 858 / 1454), 2) Қутлуқ султон бика (ваф. 862 / 1458), 3) Давлат султон бика (ваф. 861/1457) 4) Нарм султон бика (ваф. 864 / 1460).

Муҳаммад Жаҳонгир мирзо (1356-1376 йй) Дор ас-саодат мажмуаси худудидаги мақбарада дафн этилган. Айрим тарихчилар ва ўлкашунослар бу қабристонда Умар Шайх мирзо (1356 - 1394)нинг ҳам қабри мавжуд деб тахмин қилишади. Бундан ташқари, бу ерда Умар Шайхнинг бешинчи ўғли Саййид Аҳмад дафн этилган бўлиб, унинг қабртоши номаълум сабабларга кўра шахсий уйлардан бирининг худудига олиб кетилган. У 1391 йили туғилган. Қабртош топилгунига қадар унинг насл-насаби хусусида турли фаразлар бўлган. Фаразлардан бирига кўра (Хондамир), унинг отаси Мироншоҳ, бошқа бир фаразга кўра (Шарафуддин Али Яздий), унинг отаси амирзода Умар Шайх. Насабнома билан машғул олимлар Шарафуддин Али Яздий фикрини маъқул кўришган. Унинг онаси Қутлуқ Султон аслида чўри бўлиб, *жалойир* қабиласига мансуб эди. Шохрух Мирзо Саййид Аҳмадга Шибурғонни бошқаришни унга топширган. Унинг вафот санаси 832/1429 й. Манбаларда унинг дафн этилган жойи қайд этилмаган. Қабртош далолат берувчи ҳақиқий манба бўла олади. Қабртош битик ўрганилгандан сўнг, бу шахснинг эпитетлари ва ҳақиқатда отаси кимлиги маълум бўлди. У ҳозирга қадар қабри топилмаган отаси Умар Шайх ёнида, Дор ас-саодатда дафн этилган, деб эҳтимол қилиш мумкин.

Шаҳрисабз шаҳри ва вилоятида *барлос*ларнинг қабртош битиклари устида амалга оширилган ишлар, *барлос* уруғига мансуб тарихий шахсларнинг исмларини тиклашга имкон берди.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи Шайбонийлар сулоласи вакиллари ўрганишга бағишланган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзидан олдинги сулолага нисбатан мазкур сулола вакиллари насл-насаб жиҳатдан Чингизхоннинг тўғридан тўғри авлодлари эдилар. Айрим манбаларда келтирилишича, Шайбонийларнинг биринчи вакиллари Амир Темур ва Темурийларга нисбатан ёвқараш, душманлик муносабатида бўлганлар. Аммо, ҳукмрон сулолалар ўртасидаги оилавий-никоҳ алоқалари Шайбонийлар хонадони вакилларига нисбатан бу масалада ижобий фикрда эканликларига далолат бера олади. Шайбонийлар насабномасини тузганда сулола вакилларининг қаерда дафн этилганликларини билиш муҳимдир. Шайбонийлар бош даҳмаси Регистон майдони ёнгинасида жойлашган ва *даҳма* устига ўрнатилган қабртошлар сулола вакиллари шарафига ўрнатилган.

Ишқия тариқатининг шайхи Муҳаммад Содик ал-ишқий (ваф. 952/1545 й.) муриди деб эҳтимол қилинаётган Амир Бурундук Султон б. амир Ҳамза Султон (ваф. 952/ 1545 й.) учун ўрнатилган қабртош (KL-B) насл-насаб масаласида катта қизиқиш уйғотади. У Самарқанддаги оилавий даҳмада эмас, балки Муҳаммад Содик ал-ишқийнинг мазори ёнида дафн этилган. Самарқанддаги Шайбонийлар *даҳмаси*даги учта қабртош (№21, №3, №4) Бурундук Султон оиласи ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтиради⁴⁵.

⁴⁵ Бурундук Султоннинг юқорига қараб насаб занжири куйидаги кўринишга эга: Бурундук Султон ибн Ҳамза Султон ибн Бахтиёр ибн Хизр ибн Иброҳим ибн Пулод (Фулод хон) ибн Минг-Тимур хон ибн Бадакул (Бада-кул-хон) ибн Жўчи Буко (хон) ибн Баходур (Баходур-хон) ибн Шайбон хон ибн Жўчи ибн Чингизхон.

Регистонда, унинг отаси Ҳамза Султон (917/1511 й. қатл этилган), укаси Абулхайр (ваф. 917/1511 й.) ва тўнғич ўғли Шукур Султон дафн этилган⁴⁶.

Учинчи бобнинг **учинчи** параграфи Аштархонийлар сулоласига бағишланган. Самарқанд вилоятидаги Хон Авлиё мозори ва Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги Кўктош ота қабристонидаги Аштархонийлар даврига оид қабртош битиклар материаллари диссертантга сулоланинг асосчиларидан бири Ман Қишлоқ б. Жувоҳ Султон (ваф. 934/1528 й.) ва Нодир Муҳаммад баҳодурхон (ваф. 1061/1651 й.) оиласи вакиллари дафн этилган жойларини аниқлаш имконини берди. Ман Қишлоқ Дашти Қипчоқда юз берган йирик тарихий жараёнларга ўз таъсирини ўтказган шахс сифатида гавдаланади. Ҳозирга қадар унинг дафн ўрни ва кейинги тақдири ҳақида ҳеч ким бирор бир маълумот бермаган. Олимлар фақат унинг Мовароуннаҳрга кетиб қолганини фараз қилишган⁴⁷. Хон Мозордаги қабртошларни ўқиш ва ўрганиш орқали бу шахснинг аниқ исми, вафот санаси ва қисқача насаби аниқланди.

Яккабоғдаги Кўктош ота қабристонидаги икки қабртош мисолида Аштархонийлар ҳукмдорлари хонадонига мансуб оилавий хилхона топилди.

Кўктош ота қабристонининг шимолий қисмида жойлашган икки қабртошнинг бири Нодр Муҳаммаднинг қизи Сафия бону хонимга, бошқаси унинг ўғли Баҳром Султонга бағишланган. Сафия бону хонимнинг исми Аштархонийлар даврининг бизга маълум манбаларида учрамайди. Баҳром Султон ҳаёти ҳақида қуйидаги фактлар мавжуд. У Ҳулбук (Кўлоб) шахрининг ҳокими бўлган даврда, бу ерда файзу-барақа аримаган⁴⁸. Маълумки, Бухоро хони Нодр Муҳаммад, йирик ер эгаси сифатида хонлик ерларини ўз фарзандларига тақсимлаб берган вақтда, Баҳром Султонга Тошкент мулки теккан. Аммо, у Ҳисори Шодмонда ҳоким бўлишни хоҳлаган ва унинг бу истаги отаси билан унинг ўртасида ўзаро низо чиқишига сабаб бўлган. Бу ерда уни қўллаб-қувватлаган хожалар ва зодагонлар кутишган. У ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилган ва натижада бу нарса Абдулазизхоннинг норозилигига сабаб бўлган⁴⁹. Абдулазизхон ўз отасидан Ҳисорга юриш уюштиришни сўраб илтимос қилган. Ҳисор қалъасини ишғол этишда у алдов қурбонига айланган ва акаси билан тинчлик сулҳи тузади ҳамда ҳокимиятдан мосуво бўлади⁵⁰.

⁴⁶ Шукур султон она томондан ҳукмдор сулола вакили саналган. Унинг онаси – Бика султон хоним Бурундук султоннинг амакиси Маҳди (ваф.917/1511) султоннинг қизи саналган. Қаранг: Бобожонов Б., Мўминов А., Пауль Ю. Шайбонийлар қабртошларидаги битиклар. – Висбаден, 1997. – С.134, 144.

⁴⁷ Алексеев А.К. Политическая история Тукай-Темуридов: по материалам персидского исторического сочинения Бахр ал-асрар. – Санкт-Петербург, 2006. – С.87.

⁴⁸Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (география) / введ., пер., примеч. и указ. Б.А.Ахмедова, – Ташкент: Фан. – С.38

⁴⁹ Баҳром Абдулазизхон билан ўзаро келишиб, у Ҳисордан оталиқ Давлат бий кушбегини четлатади. Аммо Давлат бий Абдулазизхонга қўшилган.

⁵⁰ Мухторов А. Хисор. Очерки таърихи (охири асри 15 – аввалии асри 20). – Душанбе: Адиб, 1995. – С. 81-82.

Тўртинчи параграфда Манғитлар сулоласи насабномаси ва тарихи кўриб чиқилади⁵¹. Манғитлар сулоласининг насл-насаб шажараси бу ҳукмдор сулоланинг тарихи Амир Темур даврида бошланганини кўрсатади. Тарихий манбаларда Муҳаммад Раҳим бийнинг олтинчи аждоди Хожам Берди бий исми тилга олинади. У Абдуллахон II (1583-1598) ҳукмронлиги даврида улус бошлиғи бўлган. Уни *ишқия* тариқати пири – Мирим шайх азизоннинг шогирди ва муриди ҳисоблашади. Бир қанча вақт ўтмай Мирим шайх маслаҳати билан Хожам Берди бий бошчилигидаги манғитлар қавмининг Самарқанд атрофларидан Чироқчининг Эски Лангар қишлоғига кўчиб ўтиши юз беради⁵². Анке фон Кюгельген реконструкция қилган Манғитлар сулоласининг шажарасига кўра, насл-насабнинг юқоридан қуйига қараб кетган насаб занжирига мувофиқ Хожам Берди бий давлат асосчисининг еттинчи аждоди сифатида кўрсатилган⁵³. Дор ат-тиловат мажмуасида топилган қабртош Хожам Берди бийнинг ўғли Қутлуқ Муҳаммад оталикқа тегишли⁵⁴.

Учинчи бобнинг **бешинчи** параграфи Амир Темур, Темурийлар ва ўзбек хонликлари (XV-XX аа.) даври хизмат кишилари бошқа юқори ҳамда имтиёзли қатламлар билан бирга ҳукмрон синфни ташкил қилган бўлиб, асосан солиқлар йиғиш, ҳужжатларни тузиш ва кўчириш, савдо-сотик билан машғул бўлганлар. Хизматда бўлганлар орасидан дипломатлар ҳамда элчилар бошқа мамлакатлар билан расмий муносабатларни ўрнатишда воситачилар ролини ўйнаганлар. Улар ҳукмдорлар, подшоҳларнинг турли ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий жараёнларда таянчи бўлганлар. Ҳарбий хизматдагилар яхши хизмат учун мартабалари юксалишига эришганлар ҳамда ер-мулклар билан мукофотланганлар. Уларга турли хилдаги мажбуриятлар юклатилиб, бу амал ва лавозимлар улар исмларининг таркиби қисмига ҳам айланган. Масалан, *оталиқ, қушбеги, садр, кутвол, йорғучи, чухра оқоси, охунд, додхоҳ* ва ҳоказо⁵⁵. Хизмат кишилари учун улар вафотидан сўнг қабртош ёдгорликлари қўйилганлигини кўришимиз мумкин. Вафотларидан сўнг уларнинг жасадлари хизмат ўтган ҳудудларда кўмилган⁵⁶. Абдуллахон II нинг яқинларидан бири Дўстим Чашм Абру б. Султон Аҳмад бий (ваф. 1002/1594-95 йй.) вафотидан сўнг Имом Боҳир мақбарасига кириш жойидан 10 м жануб тарафда Дабусия ёдгорлигидаги қабристон ҳудудида дафн этилган. Ҳофизи Таниш Бухорий сўзларига кўра, Дўстим Чашм Абру

⁵¹ Манғитлар сулоласи Бухоро хонлигини эгаллаб, XVIII асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг иккинчи ўн йиллигига қадар ҳукмронлик қилган ва Марказий Осиё тарихида катта из қолдирганлар.

⁵² Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX). – Алматы: Дайк-Пресс. 2004. – С.219.

⁵³ Хожам Берди бийнинг дафн ери Мирим шайх азизоннинг тахминий қабри яқинида бўлиши керак, деган тахмин бор.

⁵⁴ Қутлуқ Муҳаммад оталиқ Шамс ад-дин Кулол мақбара ёнида дафн этилган.

⁵⁵ Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре / Советское востоковедение. – М.: Наука, 1949. – С. 136.

⁵⁶ Айрим ҳарбий ва давлат амал соҳибларининг қабрлари остида уларнинг оилавий хилхоналари жойлашган, деган фараз ҳам мавжуд. Улар қабртошларини ўрганиш орқали биз бу амалдор ва унинг оила аъзоларининг ўша жой ва ҳудуд тарихи билан боғлиқ жиҳатларига ҳам эътибор қаратамиз.

тан-ёруқ уруғига мансуб⁵⁷. Айни шу даврнинг ўзида Абдуллахон II давлатида муҳим лавозимлардан бирини бошқа бир амалдор - Турсун Муҳаммад кўкалдош (кўкалтош) б. Ишим Оталиқ (ваф. 1006/1598 й.) эгаллаган. Турсун Муҳаммад кўкалдош, отаси сингари амалдор шахс.

Даҳбид кўчасидаги даҳмада сандиқ шаклидаги (№3, №5) қабртош битиклар Аббос бий хонадонига мансуб номаълум шахсларнинг Самарқанд шаҳридаги оилавий хилхонада дафн этилганидан гувоҳлик беради. Бу ерда 1659-1669 йиллар орасида вафот этган Муҳаммад бий дафн этилган. Унинг ёнида Омон Сўфийнинг қabri бор. Муҳаммад ва унинг отаси Аббос исмларидан кейин бий атамаси келган.

Бизнинг диққатимизни Қарнаб ота қабристонигаги Субҳон қули б. Қурбон қули муҳр оқосига қўйилган №9 рақамли қабртош ўзига жалб қилди. Субҳон қулининг отаси Қурбон қули муҳр оқоси амал эгаси, яъни муҳрлар бўйича масъул шахс ҳисобланган.

Эътиборимизни тортган бошқа бир қабртош Ёқуб чухра оқоси б. Булбулча бийга тегишлидир. У 1013/1604 йили вафот этган ва Шоҳи Зинда мажмуасида дафн этилган. Аштархонийлар подшолиги даврида бу шахснинг чухра оқоси лавозимини эгаллаганлигини кўриш мумкин.

Мансаблар ва амаллар борасида ойдинлик киритувчи яна бир қабртош диққатимизни ўзига тартади. Қабртош Мир Жанди ота мажмуасида жойлашган бўлиб, у ўзида бир хил амал соҳибни бўлган ота-бола амалдор шахслар хусусида қисқача маълумот беради⁵⁸. Бу Манғитлар сулоласи даврида Ғузурда садр лавозимини эгаллаган Охундjon Хожа Садр Усрушони ал-асли б. Охунд Саййид Шоҳ Хожа Садрдир.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Марказий Мовароуннаҳр қабртош эпиграфикасида ижтимоий-диний қатламлар насл-насаби ва қариндошлик муносабатлари” деб номланади. Мазкур бобда диссертант ўзининг диққат-эътиборини Мовароуннаҳр жамияти ижтимоий-диний таркибининг юқори қатламини анъанавий равишда намоён қилувчи диний тоифалар вакилларининг қабртошларига қаратган. Мазкур бобнинг биринчи параграфи саййидларни тавсифлаш ва таснифлашга қаратилган бўлиб, бунда олдинги тадқиқотлардан олинган маълумотлар асосида бу тоифани ўрганишнинг ҳолатига диққат қаратилади. Бу хонадоннинг энг асосий вакиллари билан боғлиқ тарихий воқеаларга тўхталади, уларнинг ҳаёт йўлига, ижтимоий аҳволига, сиёсий ва диний жараёнларга ўтказган таъсирига қисқача таъриф берилади. Диссертант шунингдек Пайғамбар хонадони авлодларининг Мовароуннаҳрга кўчиб ўтишининг тарихий шарт-шароитларига ҳам эътибор қаратган⁵⁹.

⁵⁷ Хафиз-и Таныш Бухари. Шараф-нама-йи Шахи (Книга шахской славы) / Факсимиле рукописи D 88 перевод с персидского, введение, примечания и указатели М.А.Салахетдиновой. – М.: Наука, 1983. – С.142.

⁵⁸ Аминов Б.Б. Надгробные надписи святых Мир-и Джанди ата (Гузарский район Кашкадарьинской области Республики Узбекистан) // Археология Евразийских степей №6, 2017. Нумизматика и эпиграфика. – Казань.2017. – С.179-184.

⁵⁹Мавжуд маълумотларга кўра, Пайғамбар хонадони вакилларининг кўчиши, асосан Хуросондан Самарқандга келиб ўрнашиши IX асрда рўй берган.

Маълумки, *саййид*лар юқори имтиёзли қатлам сифатида Мовароуннаҳр жамияти ҳаёти ва маданиятида анча юксак мавқени эгаллаган бўлиб ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлганлар. Улар орасида маъмурий-давлат тизимида юқори лавозим ва мартабаларни эгаллаган ва ҳукмдорларга яқин турган кишилар учрайди. Саййидларнинг Сомонийлар, Темурийлар ва ўзбек хонликлари сулоалари билан оила-никоҳ муносабатлари нафақат ҳукмдор юқори табақаларнинг ҳокимият легитимацияси учун кўмак берган, балки ҳукмдорларнинг саййидлашув (*teseyyuid*)⁶⁰ жараёнини ҳам кучайтирган⁶¹.

Шубҳасиз, Мовароуннаҳр тарихидаги анча машҳур хонадонлардан бири Термизий нисбали саййидлар ва мазкур хонадоннинг оилавий тармоқлари саналади. Қабртош эпиграфикаси материаллари Мовароуннаҳрда Термиз саййидлари билан бир қаторда саййидларнинг *касбавий (касбаги), нахшабий, насафий, самарқандий, бухорий (сумитаний)* хонадонлари ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади⁶². Бундан ташқари қабртошлар орқали бир қатор саййидларнинг исмлари эпонимлар билан маълум бўлиб, уларда машҳур аждодлар исмлари муҳрланган⁶³.

Тадқиқотнинг қиммати Ёздаҳ Имом, Султон Мир Ҳайдар ва Дор ат-тиловат қабртош ёзувлари материалларини батафсил таҳлил қилинишидадир⁶⁴. Генеалогик нуқтаи назардан Ёздаҳ Имом мажмуасидаги №-13 (Ҳз-13) рақамли қабртош Самарқанд саййидлари оила вакиллари рўйхатини ўзида мужассам этган бўлиб, у тадқиқотчиларни ўзига кўпроқ жалб қилади. Стела ҳазрат Мир Али Акбар исми билан шуҳрат топган *шайх ул-ислом* ҳазрат Мир Мусага қўйилган⁶⁵. Мақбара ичкарасидаги бошқа қабртошлар фақат Ҳазрат Мир Муса қариндошлари учун қўйилган⁶⁶. Эпитафия матнига кўра эпитафиялардан бири Амир Миракнинг онаси Шарифабону бегимга (1082/1671) бағишланган бўлиб, у Хожа Зулфиқор б. Оълий насаб ...Қози Хожанинг қизидир⁶⁷. Мажмуанинг асосий шахслари қаторига ҳазрат Мир Мусо ва унинг ўғли ҳам киради

Мир Муса аждодлари исмлари орасида Амир Жаъфар ал-Ҳужжа исми учрайди. У Убайдуллоҳ ал-Аъражнинг отаси бўлиб, унинг исми тарихий манбаларда тез-тез учраб туради. Жаъфар ал-Ҳужжа юқорида Ёздаҳ Имом мажмуасида қайд қилинган №-13 рақамли қабртошдаги насабноманинг

⁶⁰ Canbakal Hülya. The Ottoman State and Descendants of the Prophet in Anatolia and the Balkans (c/1500-1700) / Journal of the Economic and Social History of the Orient, 52 (2009). P.542

⁶¹ *Тасаййуд* сўзи ҳозирча шартли равишда қўлланилган.

⁶² Булар қатори, Мовароуннаҳрда Хуросон ва Эрондан келиб қолган саййид оилалари вакиллари ҳам яшаган. Бунга далил сифатида қабртошларда *нисавий, шерозий, хуросоний, карминагий* каби нисбаларнинг қўлланилишидир.

⁶³ Масалан, бундай исмларга *муствафий, ҳусайний, муртазавий, мусавий, мираконий, ҳайдари* ва бошқалар киради.

⁶⁴ Тадқиқотчи юқорида зикр этилган некрополь ва мажмуалардаги саййидлар қабртош битикларини ўрганиб, қудсий оилалар вакиллари исми, қавмини аниқлаб, уларни идентификациясига эътибор қаратади, машҳур ва таъсирга эга хонадонларнинг номларини аниқлаб, улар ўртасидаги қон-қариндошлик алоқаларини ўрнатади, авлод-аждод занжири орқали насабномаларини реконструкция қилади

⁶⁵ Қабртошда тарихий сана йўқолганлиги сабаб, унинг қачон вафот этганлиги бизга маълум эмас.

⁶⁶ Икки қабртош бу шахснинг (Ҳз-4, Ҳз-5) қизлари Шохзода бегим (ваф. 986 / 1578) ва Бибишод бегим (?) учун ўрнатилган. Яна бир қабртош ёдгорлиги унинг ўғли Амир Мирак учун қўйилган.

⁶⁷ У ҳазрат Мир Мусонинг турмуш ўртоғи деб эҳтимол қилинади.

оилавий шажараси асосида туради. У Мовароуннахр саййид қавмларининг асосчисидир. Унинг исми Шаҳрисабздаги Гумбази Сайидон мақбарасида мавжуд Абу-л-Маоли қабртош ёдгорлигида номлари рўйхатида Жаъфар Хусайн ал-Асғар Абу Абдуллоҳ тарзида қайд этилган.

Жўйбор шайхлари хонадонига бағишлаб ёзилган Муҳаммад Толибнинг «*Матлаб ут-толибин*», (XVII асрнинг иккинчи ярми) асарида Убайдуллоҳ Эраж - Хусайн ал-Асғар (у Амир Жа'фар ал-Хужжа) ҳақида у Термиз саййидлари ва Жўйбор хожаларининг умумий аждоди деб маълумот берилган⁶⁸. Ҳз-13 қабртошидаги битикларни айрим жойларини тўлдиришга имкон берган саййидларнинг насаб занжири реконструкция қилинди. Ҳз-13 стеласи юзасида Амир Жаъфар ал-Хужжа исмидан сўнг унинг аждоди исми ўчиб кетган бўлиб, уни Гумбази Сайидон(№1)даги эпитафияда келтирилган матндаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда тўлдирдик. Миракониий, Термизий, ва Сумитаний (Хожа Жўйбори) саййидларининг умумий аждоди Жаъфар ал-Хужжа саналади. Ёздаҳ Имом мажмуасида дафн этилган саййидлар насабномасидаги бошқа муҳим шахсларга юқорида номлари қайд этилган Мир Муса ва унинг ўғли Сайид Мирак Самарқандий киради. Миракдан эҳтимол *миракониий* саййидларининг қуйи занжири кетган.

Султон Мир Ҳайдар мажмуаси ҳудудида дафн этилган илк саййид Султон Мир Ҳайдар, бу Амир Ҳайдар Касбавий (ваф. 669 йилнинг 15 шаъбони / 1271 йилнинг 4 апрелида) бўлиши тахмин қилинади. Эҳтимол, айнан ундан Касбий саййидлари генеалогик занжири бошланади. Бошқа бир саййид, юқорида зикр этилган Амир Ҳайдарнинг тахмин қилинаётган авлоди бўлиб, унинг исми Амир Шамсиддин Ҳайдар, у имом ва *султон содот* ҳамда Касбий саййидлари ичида марказий ўрин тутаяди. Шунинг учун мажмуа унинг шарафига номланган деган эҳтимол мавжуд. Қабртош матнига мувофиқ у эпитетларга бой.

Тўртинчи бобнинг **иккинчи** параграфи **мусавия** саййидларига бағишланган. Шоҳи Зинда мажмуасидаги қабртош битикларнинг маълумотларига кўра, *мусавия* саййидлари ўзбек хонликлари даврида алоҳида бир тармоқ бўлиб, улар Самарқандда яшаганлар. Матнларда ва насабномалар занжирларида антропонимлар билан бирга *мусавия* эпонимининг ишлатилиши бунга далил бўла олади. *Мусавия* саййидлари эпитафияларида Самарқандий ва Термизий нисбалари учрамайди⁶⁹.

Али авлодлари ёки саййидларнинг бош бўғини тўла-тўқис равишда Шоҳи Зиндадаги № Shz-3, № Shz-5, № Shz-6, №Shz-14, № Shz-22, № Shz-III (25), № Shz-VII (29), № Shz(III)-3 рақамли эпитафияларда ўз аксини топган⁷⁰.

⁶⁸ Муҳаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожа Хусайний Сиддиқий. Матлаб ут-толибин. – Б.35.

⁶⁹ Фақат бир мартаба биз Термизий нисбасини учратдик, у ҳам бўлса Shz(II)-4 рақамли қабртоши бўлиб, у 848/1444 йили вафот этган Амир Калон (Амир Калон б. Худодод Термизий)га ўрнатилган. Амир Калон ва унинг отаси исми *мусавия* саййидлари насабномасида учрамайди. У бу ердаги илк *мусавия* саййидлари пайдо бўлишидан бир аср олдин дафн этилган. У ҳақиқатан ҳам Амир Темур ҳамда Темурийлар даврида яшаган Термиз саййидидир.

⁷⁰ Мусо ал-Козимдан Ҳамзага уланган ва ундан кейинги авлодлар билан боғланган авлод-аждоқлар занжирини № Shz-1 рақамли тош орқали кузатишда давом этамиз. Мазкур насабномада насл-насаб занжири Ҳамзадан унинг ўғли Жамолиддинга, ундан эса унинг невараси Султон Мир Хусайнга ва ундан 5 бўғинда 'Абд ул-Ҳаййга, ундан кейин эса 7 бўғинда қабртош сохиби Ҳазанфарга бориб туташган. № Shz-5, № Shz-6,

Қабртош битиклари асосида *мусавия* саййидлари генеалогиясини ўрганиш ва қиёсий таҳлил натижасида уларнинг насабномасини XVI – XVIII асрларни қамраб олган ҳолда тузиш имконига эга бўлдик.

“Битикларда Самарқанд хожалари” деб номланган **учинчи** параграф Шоҳи Зинда мажмуасидаги алоҳида жойда дафн этилган хожалар тоифасига бағишланган. Параграфда некрополдаги эпитафиялар асосида мазкур тоифанинг алоҳида бир тармоғи ҳақида маълумотлар келтирилади ва уларнинг қон-қариндошлик алоқалари ҳамда таҳлилига алоҳида эътибор қаратилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу жойдаги кўпгина қабртошлар заифалар учун мўлжалланган. Хожа Муқим, Хожа Мўъин, Хожа Муҳаммад Амин, Хожа Муҳаммад Замон ва Хожа Ибодуллоҳларнинг қизлари исмлари аниқланган⁷¹. Шоҳи Зинда мажмуасидаги хожалар исмларини М.Қодирова тадқиқотида келтирилган Хожа Аҳрор насабномасидаги исмлар билан солиштириш, ҳар иккала хонадон ўртасида оила-никоҳ муносабатлари бўлишини истисно қилмаган ҳолда, Шоҳи Зинда хожаларининг аҳрорийлар хонадонига тааллуқли эмаслигини кўрсатди⁷².

Тўртинчи параграф Қашқадарё хожалари насабномасига бағишланган. Қашқадарё худудида XV-XX асрларда яшаган хожалар тоифаси ўз даврининг таниқли шахслари бўлиб, улар ҳақида Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Манғитлар даври тарихий манбаларида қайд этилмаган. Улар тасаввуф тариқати пирлари, диний раҳбарлар ва юқори лавозим эгалари бўлиб, уларга вафотларидан кейин қабртош ёдгорликлари ўрнатилган.

Хожалар истиқомат қиладиган аҳоли яшаш манзиллари яқинида улар аждодларининг алоҳида зиёратгоҳлари ва қадамжолари жойлашган. Таниқли хожаларнинг қабрлари, қабристонлари ва қабртошлари на фақат уларнинг авлодлари, маҳаллий аҳоли, балки мамлакат ва минтақа аҳли томонидан кўп эҳтиромга сазовор ва кўп муҳофаза этиладиган муқаддас қадамжолар саналади⁷³.

Тадқиқот жараёнида хожаларнинг юқорида зикр қилинган қишлоқлардан ташқари Чироқчидаги Оқтуя ота, Дашти Қаҳрамон,

№Shz-8, №Shz-3 рақамли қабртошларда Ҳамзадан чиқувчи бошқа бир насаб занжири унинг бошқа бир ўғли Қосимга ва унинг ўғли Муҳаммад Аъробийга боғланади.

⁷¹ Бу аёллар Самарқанд хожалари оиласига мансуб; улар оталарининг келиб чиқиши аниқ эмас, *мусавия* саййидларидан фарқли равишда, улар эпитафияларида авлод-аждод занжири бўйлаб уларнинг насабномлари кўрсатилмаган. Уларнинг бошқа шариф хонадонлар билан ота тармоғи ва она тармоғи бўйлаб кетган қариндошлиги ҳақида бирор бир сўз айтишга ҳали вақт эрта.

⁷² Кадырова М.Т. Жития Ходжа Аҳрара. Опыт системного анализа по реконструкции биографии Ходжа Аҳрара и истории рода Аҳраидов. – Ташкент. 2007. – С.105-127.

⁷³ Шунини таъкидлаш лозимки, Қашқадарё вилоятининг алоҳида аҳоли пунктлари қудсий қабрлар ва мазорлар атрофида шаклланган ва бу мазкур жойларнинг шариф хожалар шахсий исмлари ҳамда эпитетлари номи билан аталади. Улар орасида ўтмишда машҳур бўлган хожа атамали қишлоқлар кўпроқ эътиборга сазовордир ва булар қуйидагилар: Хожа Илғор, Хожа Асфароз, Хожа Имконагий. Хожалар истиқомат қиладиган таниқли қишлоқлар ўзларининг номларини ўз аждодлари эпитетларидан олган: Катта Лангар, Эски Лангар.

Яккабоғдаги Кўктош ота, Ғузордаги Мир Жанди ота ва Касбидаги Султон Мир Ҳайдарда дафн этилганликлари аниқланди⁷⁴.

Ишқия тасаввуф тариқати вакилларида Қашқадарё хожалари рўйхатига Муҳаммад Содик ал-Лангарий⁷⁵, Мирим шайх ал-ишқий ва Қиём шайх ал-ишқий авлодлари ҳам киради. *Ишқия* шайхлари авлодлари орасида Қашқадарё водийсидаги шариф кишилар салмоқли қисми ташкил этади ва шу боис улар хожалар деб юритилган. Ҳукмдор хонадонлар, саййидлар ва бошқа хожалар оилалари билан қон-қариндошлик муносабатлари ўрнатилиши натижасида хожаларнинг алоҳида тоифа бўлишига олиб келди⁷⁶.

Мазкур бобнинг **олтинчи** параграфида Марказий Мовароуннаҳрда яшаган нақшбандия шайхлари генеалогияси ва тариқатнинг намояндалари хусусида конкрет маълумот берувчи қабртош битиклари ўрганилган⁷⁷.

Қуйидаги қабристон ва мазорларда *нақшбандия* намояндаларининг қабртошларидаги битиклар топиб ўрганилди ва ўқилди: Маҳдуми Аъзам (Даҳбед), Хожа Исҳоқ (Самарканд ш.), Хожа Имконаги (Китоб тумани).

Тариқатнинг Шайбонийлар давридаги энг йирик вакилларида бири - Аҳмад Косоний Маҳдуми Аъзам (ваф. 950/1543 й.) хонадон вакилларида давлат ва маҳаллий бошқарувдаги иштироки эвазига кўплаб ҳуқуқ ва имтиёзларга эга эди. Даҳбеддаги меъморий-ёдгорлик мажмуасида 40 дан зиёд қабртош қайд этилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги мазкур шайхнинг оиласига тааллуқли. Бу ерда, некрополнинг марказида, даҳмада, Маҳдуми Аъзам ва уни 7 авлодининг суяк қолдиқлари сақланган бўлиб, уларнинг ҳар бири учун стела ўрнатилган. Ҳазрат Хожа Муҳаммад Авлиёхон (1217/1802 й.) насабномаси қарийб уч юз йиллик тарихни қамраб олган⁷⁸. Айнан шу каби насабнома 1811 йили оламдан ўтган ҳазрат Муҳаммадхон Хожа стеласида ҳам кўрсатилган.

Вақт ўтиши билан Маҳдуми Аъзам насл-насаби бир неча тармоққа бўлиниб кетган. Унинг фарзандларидан бири – Хожа Исҳоқ (ваф. 1006/1598) йирик сулола бўлган *исҳоқийлар*нинг асосчисидир. Исҳоқийлар тасаввуфда

⁷⁴ Қабртошлар ёзувларини ўқиб аниқлаш натижасида хожа тоифасига мансуб қуйидаги шахслар аниқланди: Бобо Хожа, Одил Шоҳ б. Вали Хожа, Хожа Муҳаммад Кабир, Хожа Муҳаммад Катта бой.

⁷⁵ Мирза Салимбек. Тарих-и Салими /Перевод с персидского, ввводная статья и примечания: к.и.н. Н.К.Норкулова, предисловие, редактор введения и примечаний: д.и.н. А.С.Сагдуллаев. – Т.:Akademiya, 2009. – С.96-97.

⁷⁶ Қабртош битикларга кўра Қашқадарё водийси хожалари орасида қуйидаги исмлар маълум: Нур Хожа б. Чингиз, ваф. 816 /1413, Саййид Муҳаммад Хожа, ваф. XVI а., Бади' ад-дин Хожа, ваф. 949/1542, Муҳаммад Маъруф Хожа, ваф.950/1543, Бобо Хожаги б. Турди Муҳаммад Хожаги, ваф?. Юқоридаги *ишқия* тариқати қатори бизнинг рўйхатда шунингдек қуйидаги хожалар ҳам жой олган: Хожа Илғор мазорида Хожа Муҳаммад Шариф б. Хожа Қосим, ваф. 973/1565, Йусуф Хожа Қарокўз, ваф. 845/1441, қабртошлари мавжуд бўлса, Мир Жанди ота мажмуасида Охунджон Хожа Садр Усрушон ал-асли б. Охунд Саййидшоҳ Хожа Садрга ва Кўктош ота (Яккабоғ ш.)да Мавлоно Ҳофиз б. Хожа Баҳром (XV а.)га қабртош ўрнатилган.

⁷⁷ Тариқатнинг Мовароуннаҳрда шаклланиш ва тарқалиш тарихи ўзини Аллоҳга хизмат қилишга ва Аллоҳ таолони ирфоний англашга бағишлаган бир қатор шахслар билан боғлиқ. Тарихий ва агиографик манбалар *нақшбандия* валийлари ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ Мовароуннаҳрда юз берган кўплаб воқеалар ва мисолларни келтиришади.

⁷⁸ Даҳбед шайхларининг шажараси №13 стела мисолида берилган: Ҳазрат Хожа Муҳаммад Аулиёхон ибн Ҳазрат Хожа Муҳаммадхон ибн Ҳазрат Хожа Муҳаммад Мусохон ибн Ҳазрат Хожа Муҳаммад Исохон ибн Ҳазрат Хожа Муҳаммад Бобохон ибн Ҳазрат Хожа Муҳаммад Мусо ибн Ҳазрат Хожа Муҳаммад Амин ибн Ҳазрат Маҳдуми Аъзам.

нақшбандийлик ва *қодирийлик* тамойилларини ўзида мужассам этган янги окимдир. Хожа Исҳоқ Вали она томондан Қорахонийлар сулоласи хукмдорлари авлоди бўлганлиги боис, унинг фарзандлари Шарқий Туркистон тахти учун даъвогарлик қилишган. Улар қатори Шарқий Туркистон тахтига Хожа Калоний хонадони вакиллари бўлган Офоқ Хожа авлодлари ҳам даъвогарлик қилганлар⁷⁹. Хожа Исҳоқ мажмуаси қабртошларидаги ёзувлар эвазига Хожа Исҳоқ хонадони насабининг қуйи ва юқори занжирларидаги узвийлик тикланди⁸⁰.

Сўнги Шайбонийлар даврида ҳаёт кечирган *нақшбандия*нинг раҳнамоларидан бири Мавлоно Хожаги Имконагий ҳам барчада катта кизиқиш уйғотади. У ўз отаси Мавлоно Дарвиш Вахшуворийнинг шогирди саналган⁸¹. Мавлоно Хожаги Имконагийдан боровчи бу руҳий-маънавий занжирнинг йирик вакили машҳур ҳинд шайхи, янгиланган *нақшбандия* тариқатининг асосчиси Аҳмад Сирҳиндий (ваф. 1033/1624 й.) бўлади. Мусулмон дунёсида *нақшбандия*нинг янги “*мужаддидия*” номи билан мислсиз равишда кенг тарқалиши унинг номи билан бевосита боғлиқ⁸².

Қарши шаҳридаги Қўрғонча масжиди қошидаги хонақоҳда *нақшбандия* тариқатининг яна бир вакили бўлган Абдурахмон ал-нақшбандий ал-аҳрорий ал-раббоний ал-Даҳбедий дафн этилган. У Муҳаммад Сиддиқ ал-Даҳбедий б. Ҳожи Ғарибуллоҳ ал-Сирҳиндийнинг ўғли. Битиклардаги маълумотга кўра, у ўз отаси ва Мусоҳон Хожа Даҳбедийдан хирқа олмаган. Маънавий-руҳий силсилани у ўз устози ва пири Обид Раҳматуллоҳдан қабул қилган⁸³.

Тўртинчи бобнинг олтинчи параграфи *ишқия* тариқати насабномасига бағишланган. Тариқат Марказий Осиёда кенг тарқалган. Тариқат раҳнамолари ва намояндаларининг хок жойлари Остона ота, Қиём шайх, Эски Лангар ва Катта Лангар мазор ва қабристонлари ҳудудида жойлашган. Шайхларнинг актив фаолияти Темурийлар ва Шайбонийлар даврида кузатилади. *Ишқия* шайхларининг қадимгироқ қабртошлари Остона ота мажмуасида аниқланган. Остона ота мазоридаги қабртош битикка кўра *ишқия*нинг Мовароуннаҳрдаги биринчи пири шайх Худойқули (ваф. 822/1419 й.) бўлган⁸⁴. Шайхнинг фарзандлари ва авлодлари унинг иши ва

⁷⁹ Ходжаев А. Цинская империя в Восточный Туркестан в XVIII в. – Ташкент: Фан, 1991. – С.18.

⁸⁰ Хожа Исҳоқнинг авлодларидан бири Саййид Сулаймон Хожанинг қуйидан юқорига, яъни отадан фарзанд ва кейинги авлодларга боровчи насл-насаб занжири реконструкция қилинди: Саййид Ҳазрат Мавлоно Хожаги Махдум-и Аъзам, унинг ўғли Ҳазрат Хожа Исҳоқ, унинг ўғли Саййид Қутбиддин, унинг ўғли Муҳаммад Са’ид Хожа, унинг ўғли Яҳё Хожа, унинг ўғли Абдуллоҳ Хожа, унинг ўғли Ҳожи Хожа, унинг ўғли Муҳаммад Азим Хожа, унинг ўғли Муҳаммад Солиҳ Хожа, унинг ўғли Саййид Сулаймон Хожа (ваф. 1306 / 1889).

⁸¹ Бабаджанов Б. О погребении Ходжаги Имканаги // Адабий мерос. Ўзбек адабиёти тарихидан тадқиқот ва материаллар. Илмий асарлар тўплами. 4(46). – Тошкент, 1988. – Б.72-75.

⁸² XVIII асрнинг бошларидан эътиборан Марказий Осиё, Волгабўйи, Кавказ, Кичик Осиёдаги нақшбандийликнинг барча таниқли шайхлари, ўз навбатида, Хожа Имконагийга бориб тақалувчи айнан *мужаддидия* билан маънавий-руҳий жиҳатдан боғланган.

⁸³ Обид Раҳматуллоҳ силсила занжирини шайх Абдулаҳаддан, у эса ўз отаси Миён Муҳаммад Саъиддан, у ўз навбатида шайх Миён Муҳаммад Раббонийдан қабул қилиб олган.

⁸⁴ Бабаджанов Б. Эпиграфические памятники мусульманских мазаров как источник по истории суфизма (на примере мазаров Астана ата и Катта Лангар) // Из истории суфизма: источники и социальная практика. – Ташкент: Фан, 1991. – С.90.

таълимотининг ворислари ва давомчиларидирлар⁸⁵. Шунинг таъкидлаш лозимки, *ишқия* шайхлари ўзларининг ирфоний амаллари учун шаҳар марказлари ва давлат пойтахтларидан узоқ худудларни танлашган⁸⁶. Муҳаммад Содик ал-ишқийнинг мозори булар ичида энг машҳури эди. Ривоятларга кўра, бу шайх бошқа жойга бориб, ўша ерда хонақоҳ курган. Муҳаммад Содик оиласи вакиллари исмлари аниқланган⁸⁷.

*Ишқия*нинг маънавий-руҳий ёки силсилавий занжиридаги ворисликни Мирим шайх ишқий бошқарган. Мазкур шайхнинг маънавий манзили Эски Лангар тоғли қишлоғида жойлашган эди. У шайх Абу-л-Ҳасан Хоразмийга эвара бўлган. Абу-л-Ҳасан Хоразмий шайхзода Маҳмуднинг отаси ва муршиди саналади. Маҳмуднинг учта ўғли бўлган. Унинг учинчи ўғли Муҳйиддин Мирим шайхнинг отасидир. Мирим шайх, унинг аждодлари ва авлодлари бир-бирига яқин жойлашган мақбаралар ичида дафн этилган.

Ишқия шайхларининг тўртинчи маркази Қиём шайх қишлоғи ҳисобланади. Айнан шу номдаги мазорнинг худудида шайх Қиёмиддин *ишқий* б. Або Бақр, Қиёмиддин қизи Зайнаб биби, шайх Али Хон *ишқий* (1039/1630 йили ваф. эт.) ва унинг қизи, шунингдек Мирим шайхнинг авлодлари – Баҳодир Хожа б. Қаландар Хожанинг авлодларининг қабртошлари қўйилган.

Еттинчи параграфда *ясавия* шайхлари насабномаси кўриб чиқилди. Улар ҳақидаги тарихий-генеалогик далиллар Олим шайх ‘азизон, Мўъмин шайх, Чол Мўъин, Қарнаб ота ва бошқа мазорларнинг қабртошларидан топиб аниқланган. Йирик шахслардан бири бўлган Олим шайх ‘азизон (1564-1632) Қосим шайхнинг муриди бўлган Пирим шайхнинг шогирдидир. У руҳий-маънавий занжир орқали Аҳмад Ясавий билан боғланган бўлиб, унинг насл-насаби ал-Сухравардийга бориб тақалади. Олим шайхга ўрнатилган стелада унинг шажараси қуйидаги кўринишда берилган: Ҳазрат Олим шайх *азизон* ибн Муҳаммад Мўъмин шайх Сиддиқий ибн Ҳазрат Дарвиш шайх ибн Хованд шайх ибн Фатхуллоҳ шайх ибн Ҳайбатуллоҳ шайх ибн ‘Алоуддин шайх ибн Зайниддин шайх ибн Абу Ҳафс ‘Умар ал-Сиддиқий ас-Сухравардий.

Ясавия-азизон шайхларининг дафн этилган жойлари аниқланиб, Самарқанд вилояти худудидаги улар ўрнашган ерлари ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилинди.

ХУЛОСА

1. Мусулмон қабристонлари авлиёлар мазорлари, мақбаралари атрофида, хонақоҳлар, масжидлар қошида шаклланган. Айрим қабристонлар археологик ёдгорликлар худудлари (Дабусия, Арк тепа, Подаётқ) ёки улар қошида (Султон Мир Ҳайдар, Шоҳи Зинда)да жойлашган. Юқори мартабали

⁸⁵ Улар қуйидагилардир: шайх Муҳаммад (ваф. 855/1451), шайх Илёс (ваф. 877/1472), шайх Хожа Муҳаммад (ваф. XV), шайхзода Абу-л-Ҳасан (ваф. 896/1491), Муҳаммад Содик (ваф. 952/1545), Абу-л-Ҳасан (ваф. 967/1560), Муҳаммад Саъид (ваф. XVI), Абу Муса шайх (ваф. XVI), Маъсум Хожа (ваф. XVI).

⁸⁶ Буларга юқоридаги мазор ва қабристонлар таркибида бўлган қишлоқлар киради.

⁸⁷ Бу унинг невараси Моҳ Биби (ваф. 979/1571) бўлиб, у ўғли Муҳаммад Саъиднинг қизидир. Бошқа бир қиз Илёс шайхнинг ўғли шайх Хожа Муҳаммаднинг қизи бўлган.

шахслар, ҳукмдор сулола вакиллари, тасаввуф тариқати пирлари, уларнинг оила аъзоларини дафн этишга мўлжалланган Самарқанд шахри, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги қабристонлар, мазорлар ва ёдгорлик мажмуаларини нафақат тарих ва маданият нуқтаи назаридан, балки тарихий шахсларнинг насабномаларини ўрганиш жиҳатидан ҳам катта аҳамиятга эга.

2. Ислонда уламолар ва саҳоватпеша инсонлар қабрлари устида маълумотлар берувчи, шахсларни идентификация қилувчи (исмлар, эпитетлар, куниялар, лақаблар, нисбалар, қисқача насабнома, вафот санаси) битикли тошлар ўрнатишга руҳсат берилган. Бу амалиёт марҳумнинг кўмилган тупроғи, дафн жойи йўқолиб кетмаслиги, шунингдек оёқ ости бўлмаслиги учун қўлланилган. Қабртош битикда марҳум ҳақида маълумотлар қисқа, аниқ ва очиқ-ойдин баён қилинган. Қабртош юзасида Қуръондан иқтибослар келтирилган (*Оят ул-курси, Фотиҳа, учинчи сура (Оли Имрон)*)нинг 25 (26) – 27 (28), 182/185 оятлари ва ҳок.). Бундан ташқари тошларда Саъдий Шерозийнинг назм меросидан олинган *марсия*ларни ҳам кўплаб учратиш мумкин.

3. Никоҳ ва никоҳ алоқаларига генеалогик омилнинг катта таъсири бўлган. Саййидлар, хожалар билан қон-қариндошлик ипларини боғлаган Мовароуннаҳр ҳукмдорларининг авлодлари ўз ҳукмронликларини мустаҳкамлаганлар, баъзида улар валийга ҳам айланганлар. Амир Темурнинг ўзи ва авлодлари сулолавий никоҳлар билан Чингизийлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлар. Шайбонийлар Темурийлар ва диний тоифа вакиллари билан қон-қариндош бўлганлар, Аштархонийлар эса Пайғамбарнинг хонадон аҳли билан қариндош бўлиб саййидлашган (*масаййуд*).

4. Гўри Амирдан ташқари Темурийларнинг кўплаб қабрлари, мақбаралари Дор ас-саодат, Шоҳи Зинда ва Гумбази Сабз (Ҳирот)да жойлашган. Умаршайхнинг қабри Дор ас-саодат мажмуасидаги Жаҳонгир мақбараси яқинида жойлашган дейилади. Бу ердан узоқ бўлмаган бир ерда Умаршайхнинг ўғли Саййид Аҳмаднинг мармар қабртоши топиб олинган. Гўри Амир мақбараси худудида темурий Абу Саъиднинг тўрт қизи (Иззат Султон хоника, Қутлуқ Султон бика, Давлат Султон бика, Нарм Султон бика) ўзининг сўнгги манзилига дафн этилган. Ҳукмдор сулола аъзолари *барлос* зодагонлари хонадон вакиллари билан қон-қариндошлик ипларини боғлаганлар.

5. *Барлос*ларнинг Дор ат-тиловат, Ҳазрат Башир, Чўғмозор ота, Мир Жанди ота, Водруқ, Хожа Илғор ва шу каби мазорларда оилавий хилхоналари бўлган. Қавмнинг кўзга кўринган намояндаларидан амир Жоку, унинг ўғли амир Жаҳоншоҳ ва невараси амир Султон Иброҳим, амир Ҳамза б. Тағой Буғо каби шахслар бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

